

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338**

БОТИРОВ ДАДАХОН ХАМЗАЕВИЧ

**“ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
АСОСИЙ ВОСИТАЛАР АМОРТИЗАЦИЯСИНИНГ АУДИТИ”**

Мутахассислик: 5A230902-«Аудит (тармоқлар бўйича)»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент И.Қўзиев

ТОШКЕНТ-2014

Диссертация Тошкент молия институти «Аудит» кафедрасида
бажарилган.

Илмий рахбар

и.ф.н., доцент И.Қўзиев

Кафедра мудири

и.ф.н., доцент И.Қўзиев

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент У.Ортиқов

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида асосий воситалар амортизацияси аудитининг назарий асослари ..	8
1.1. Модернизациялаш жараёнларини амалга оширишда асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг иқтисодий моҳияти .	8
1.2. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашни халқаро ва миллий стандартлар асосида ташкил этиш тамойиллари ва вазифалари	18
1.3. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг ҳуқуқий асослари	27
I боб бўйича хулоса	34
II боб. Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар амортизацияси аудитини ташкил этиш	36
2.1. Асосий воситалар амортизацияси аудитини ташкил қилиш, режалаштириш, аудит дастури ва ахборот манбалари	36
2.2. Асосий воситалар амортизациясининг аналитик ҳисобини ташкил этиш аудити	47
2.3. Асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказиш ва уларни натижаларини расмийлаштириш	56
II боб бўйича хулоса	67
III боб. Асосий воситалар амортизацияси аудитини такомиллаштириш ва ривожлантириш истиқболлари	69
3.1. Асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказиш жараёнини такомиллаштириш истиқболлари	69
3.2. Асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказишда таҳлилий жиҳатлар ҳамда уларни ривожлантириш истиқболлари	74
III боб бўйича хулоса	87
Хулоса	89
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	94

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Давлатнинг ислохотлар дастури қисқа муддат ичида макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлашувига, саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ортишига, инфляция даражаси пасайишига, ҳаётий муҳим масалалар турлари бўйича иқтисодий мустақилликка эришишга имкон берди. Макроиқтисодий мувозанатни барқарорлаштириш йўлини изчиллик билан амалга ошириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш, реал секторга инвестицияларни киритиш имконини берди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. Бу ҳақда Президентимиз И.Каримов сўз юритар экан, шундай дейди: «Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир»¹, деб таъкидладилар.Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, республикамиз иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг катта қисми асосий капитал истеъмолига, корхоналарни

¹ Каримов И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2014. 13-бет.

техник жиҳатдан замонавий технологиялар асосида қайта курулантиришга йўналтирилмоқда.

Республикамиз корхоналарда амалга оширилаётган модернизациялаш бу мавжуд асосий воситаларни янгилаш демакдир. Техник ва технологик қайта жиҳозлаш, бу мавжудларидан фойдаланишни тартибга солишдир.

Таъкидлаш керакки маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш учун республикамизда барча ресурслар мавжуд, хомашё ва ишчи кучи етарли лекин улардан мақсадли сарфланиш даражаси тежамкорлик ҳисоби, уни маҳаллийлаштириш борасида камчилликлар мавжуд. Бу камчилликларни бартараф қилишда инвестицияларни жалб қилиниши алоҳида аҳамиятлидир.

Республикамизга жалб қилинаётган инвестицияларни асосий қисми янги турдаги, сифатли, маҳаллий хом ашёларга мослаштирилган корхоналар куришга сарфланди. Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш даражасининг ортиб боришида энг аввало мавжуд асосий воситалардан унумли фойдаланиш бўлса, иккинчидан ташқи қарзларининг ялпи ички маҳсулотига нисбатан пастлигидадир.

Иқтисодий кўрсаткичларни яхшиланиб боришида амалга оширилаётган тадбирлар ичида ҳаракатларни камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтиришда асосий воситалардан самарали ва тўлиқ қувватда фойдаланиш, уларнинг ҳисобини тўғри ташкил қилиш талаб қилинади, чунки ҳисоб ишларини тўғри ташкил қилишнинг иқтисодий тежамкорликка олиб келади.

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг тадрижий ривожланиши корхоналарда асосий воситаларни замонавийлаштириш ҳамда технологик жиҳатдан янгилаб боришни тақозо қилади. Бу эса кўп жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ва уларни эскиришини тўғри ҳисобга олиш ҳамда улар юзасидан ўтказиладиган аудитни оптимал вариантда ташкил этишга боғлиқдир. Буни шундай изохлаш мумкинки, ушбу тизимда миллий стандартларнинг амалиётга киритилиши корхоналарда бу турдаги

активларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг янгича тартибини белгилаб бермоқда.

Мазкур диссертациядан илгари ёзилган илмий-тадқиқот ишларида асосий воситалар амортизацияси аудити борасида, асосан, бозор иқтисодиётига асосланган, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётимизга хос тадқиқот мавзусининг айрим масалари очиб берилмаган.

Мамлакатимиз иқтисодиётига замонавий техника ва технологияларнинг кенг жорий қилиниши, аудит борасида илғор хорижий усулларнинг қўлланилиши асосий воситалар амортизацияси аудитини ташкил қилиш ва такомиллаштиришнинг нақадар долзарб эканлигини ифодалайди.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Асосий воситалар амортизацияси аудитини такомиллаштириш масалалари чет эл иқтисодчи олимларидан Аренс Э. А., Рой Додж., Адамс Р., Лоббек Дж. К., МДХ олимлари Я.В.Соколов, Белуха Н. Т., Бычкова С. М., Алборов Р. А., Камышанов П. И., Стуков С. А., республикаимиз иқтисодчи олимлари Дўсмуратов Р., Тўлахўжаева М. М., Хамдамов Б., Маматов З. ва Хасанов Б. ишларида тўлалигича ёритишга ҳаракат қилинган.

Асосий воситалар амортизацияси аудитини такомиллаштириш борасида юқорида санаб ўтилган олимлар томонидан турлича ёндашилганлиги ушбу соҳада муаммолар етарли эканлигидан далолат беради. Республикаимизда ҳам айнан мазкур муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар талаби асосида ечиш шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини талаб қилмоқда.

Илмий ишнинг мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертация ишининг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалар амортизацияси аудитини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Юқоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда, диссертацияда қуйидаги вазифалар белгиланади:

- модернизациялаш жараёнларини амалга оширишда асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш;
- асосий воситаларга амортизация ҳисоблашни халқаро ва миллий стандартлар асосида ташкил этиш тамойиллари ва вазифаларини белгилаш;
- асосий воситалар амортизацияси аудитини ташкил қилишнинг ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилиш;
- асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказиш жараёнини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;
- асосий воситалар амортизацияси аудити натижаларини расмийлаштиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказишда таҳлилий жиҳатларни қўллашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Илмий тадқиқот ишининг объекти ва предмети. Илмий ишни олиб боришда «Одил аудит» аудиторлик ташкилоти маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот предмети бўлиб, хўжалик субъектларида асосий воситалар уларни амортизацияси аудитини ташкил қилиш ҳамда уни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шу билан биргаликда улар бўйича долзарб масалалар ҳисобланади.

Диссертациянинг назарий-услубий асослари. Мазкур диссертацияни ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Қонунлар, Президент И.А.Каримовнинг иқтисодиётни янада эркинлаштиришга доир Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг низом ва йўриқномалари ташкил этади. Тадқиқот жараёнида чет эл давлатларидаги чет эл компаниялари ва фирмалари ишлаб чиқариш фаолияти бухгалтерия ҳисоби тизимининг назарий ва амалий тажрибалари ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертациянинг илмий янгиликларига қуйидагилар киради:

- модернизациялаш жараёнларини амалга оширишда асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг иқтисодий моҳияти очиқ берилди;

- асосий воситаларга амортизация ҳисоблашни халқаро ва миллий стандартлар асосида ташкил этиш тамойиллари ва вазифалари белгиланди;

- асосий воситалар амортизацияси аудитини ташкил қилишнинг ҳозирги ҳолати тадқиқ қилинди;

- асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказиш жараёнини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди;

- асосий воситалар амортизацияси аудити натижаларини расмийлаштиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

- асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказишда таҳлилий жиҳатларни қўллашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар асосий воситалар амортизацияси аудитини халқаро талаблар асосида ташкил этилишига имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан асосий воситалар амортизацияси аудитини такомиллаштириш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, олий ўқув юрларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш. Диссертация иши юзасидан 2014 йил 17 майда Тошкент молия институтида ўтказилган “Банк-молия тизимини янада ривожлантириш орқали инвестицион фаолликни кенгайтиришнинг истиқболли йўналишлари”га бағишланган магистрантларнинг XI анъанавий илмий-амалий конференциясида «Асосий воситалар амортизацияси аудитини такомиллаштириш зарурияти» ва «Асосий воситалар амортизацияси ҳисоблашни такомиллаштириш» номли тезислар маъруза қилинган ва конференция иштирокчилари томонидан ижобий баҳоланган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида асосий воситалар амортизацияси аудитининг назарий асослари

1.1. Модернизациялаш жараёнларини амалга оширишда асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг иқтисодий моҳияти

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Инвестиция муҳити – бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи. Инвестиция муҳити энг аввало қуйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади: табиий шарт-шароитлар, шу жумладан фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳ.к. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда модернизациялаш жараёнлари мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Айниқса, мазкур йўналишлар орасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш муҳим ўрин тутди (1-чизма).

Зеро, миллий иқтисодийнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имконият ва салоҳиятлари айнан иқтисодий турли даражалари ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир. Бироқ, шу билан бирга

ишлаб чиқаришни модернизациялаш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш лозим.

Ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари¹



1-чизма. Ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари.

Шу ўринда модернизациялаш жараёнининг жамият ҳар бир аъзосининг онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа

¹ Манба: Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йқллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

соҳаларини модернизациялаш энг аввало ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб боровчи жамият аъзолари дунёкараши, тафаккурининг ўзгариши, уларнинг демократик ва туб ислохот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқдир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадикки, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш – замон талабидир. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар қаторида муносиб ўрин эгаллаш, миллий маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорларидаги рақобатдошлигини таъминлаш, шу асосда экспорт ҳажмини сезиларли даражада ошириш мавжуд соҳа ва тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида модернизациялашни тақозо этади. Айни пайтда, жаҳон бозоридаги эҳтиёж ва талабнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда иқтисодийтимиз таркибий тузилмасини такомиллаштириб бориш, бу мақсадда янги, замонавий тармоқларни барпо этиш ва жадал ривожлантириш лозим бўлади.

Корхоналарнинг асосий белгиси – уларнинг ўзларига тегишли мулкнинг мавжудлигидир. Айнан шу нарса корхоналарнинг моддий-техник имкониятларини белгилаб беради ҳамда уларнинг иқтисодий эркинлиги ва келажагини таъминлайди. Муайян мулкдан фойдаланмасдан ҳеч бир корхона ўзининг хўжалик фаолиятини амалга ошира олмайди.


Корхона эгалик қиладиган мулк кўчмас ва кўчириб бўладиган мулкларга ажралади.

Кўчмас мулкка ер участкалари, ер ости бойликлари, маҳсус сув объектлари ва умуман ер билан боғлиқ бўлган бузилмас нарсалар, шу жумладан ўрмонлар, кўп йиллик дарахтлар, иншоотлар, бинолар киради.

Кўчириб бўладиган мулкка кўчмас мулкка кирмайдиган нарсалар ҳамда пул маблағлари ва қимматли қоғозлар киради.

Корхона мулкни айланма активлар ва узоқ муддатли активларга ҳам ажратиш мумкин. Бунда корхона мулкнинг нафақат ижтимоий кўриниши

балки ишлаб чиқариш жараёнидаги роли, аҳамияти ва корхона иқтисодиётига таъсири ҳам ҳисобга олинади. Узоқ муддатли активлар йирик ва ўрта корхоналар мулкнинг 65-85 фоизини ташкил қилади. Унинг тузилиши 2-чизмада келтирилган.



2 – чизма. Узоқ муддатли активларнинг тузилиши¹.

Узоқ муддатли активлар корхона хўжалик фаолиятида узоқ муддат мобайнида қатнашади. Бу амортизация жараёнинг давомийлиги ва айланма тезлигининг секинлиги билан боғлиқ. Шунинг учун улар узоқ муддатли ёки секин айланадиган активлар деб аталади. Шунингдек, улар иммобилизация фондлари ҳам деб аталади.

Корхоналарда узоқ муддатли активларнинг тузилиши ва таркиби бир-бирдан жиддий фарк қилади. Бироқ, барча корхоналар узоқ муддатли активлар таркибида асосий воситалар салмоқли хиссани ташкил этади.

Асосий воситалар – бу моддий бойлик бўлиб, ўзининг табиий қурилиши, узоқ вақт мобайнида ўзгартирмайди ҳамда қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига қисмлаб ўтказилади.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Асосий ишлаб чиқариш воситалари умумий ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси ҳисобланади. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, меҳнатнинг қуролланганлиги даражаси асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ҳажмига боғлиқ. Асосий воситаларнинг ва меҳнатнинг қуролланганлигик даражасининг ошиши меҳнатка ижтимоий характер бағишлайди ва жамоанинг маданий-техник даражасини оширади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида асосий воситалар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи барча омиллар ичида асосий ўринни эгаллайди.

Ишлаб чиқариш асосий воситалари моддий ишлаб чиқариш соҳасида қатнашади. У ўзининг амал қилиш цикли давомида ишлаб чиқариш жараёнида бир неча марта ишлатилади. Ишлаб чиқариш асосий воситалари босқичма-босқич эскириб, ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қисмлаб ўтказиб боради. Улар амортизация ажратмалари ҳисобига қопланади.

Ноишлаб чиқариш асосий воситаларига корхона балансида турган, ходимларга хизмат қиладиган турар жойлар, боғча, спорт муассасалари ва бошқа маданий маиший хизмат кўрсатувчи объектлар киради. Ишлаб чиқариш воситаларидан фарқли ўлароқ улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайди ва ўзининг қийматини маҳсулотга ўтказмайди. Уларнинг қиймати истеъмолда йўқ бўлиб кетади. Уларнинг ўрни тўлдирилмайди. Улар корхона фойдаси ҳисобига такрор ишлаб чиқарилади.

Ноишлаб чиқариш асосий воситалари ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир ўтказмасада, ишчилар турмуш шароити билан боғлиқ ҳолда, албатта корхонанинг хўжалик фаолияти натижасига таъсир қиладди.

Корхоналар асосий ишлаб чиқариш воситалари иқтисодий ўхшашлигига қарамасдан, умумий мақсади ва хизмат қилиш муддати билан фарқланувчи меҳнат воситаларнинг асосий қисмини ташкил этади. Шунинг

учун уларни алоҳида хусусиятлари бўйича муайян гуруҳларга ажратиш зарурати туғилади.

Корхона асосий ишлаб чиқариш воситалари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Ер участкалари, эгалик қилиш ҳуқуқига эга корхонага тегишли бўлган табиатдан фойдаланиш объектлари,
- Бинолар,
- Иншоотлар,
- узатиш қурилмалари,
- Машина ва жиҳозлар,
- Ўлчам ва назорат қилиш асбоблари, қурилмалар ва лаборатория жиҳозлари,
- ҳисоблаш техникаси ,
- Транспорт воситалари (ички ва ташқи ишлаб чиқариш),
- қиймати энг кам иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлган асбоб ва мосламалар,
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари,
- Хўжалик ичидаги йўллар.

Қуйидагилар асосий ишлаб чиқариш воситалари тузилишининг яхшиланишига олиб келади:

- Ускуналарни яхшилаш ва замонавийлаштириш,
- Ускуналар, хусусан хал қилувчи аҳамиятга эга бўлган станоклар, автоматлаштирилган ва ярим автоматлаштирилган станоклар, универсал ва мураккаб станоклар, автоматик линиялар ҳамда ҳисоблаш дастурлаш станоклари тузилишини такомиллаштириш,
- Бино ва иншоотлардан оптимал фойдаланиш, бўш турган жойларга қўшимча ускуналар ўрнатиш,
- Корхонанинг қурилиш лойиҳаларини тўғри тузиш ва қурилиш режасини сифатли қилиб амалга ошириш,

➤ Ортиқча ва кам фойдаланиладиган ускуналарни тугатиш.

Асосий воситаларни ҳисобга олиш ва режалаштириш натурал ва пул шаклида олиб борилади. Асосий воситаларни баҳолашдан олдин машиналар сони, уларнинг унумдорлиги, қуввати, ишлаб чиқариш майдонининг ўлчами ва бошқа натурал шаклдаги миқдорий кўрсаткичлар аниқланади. Бу маълумотлар тармоқ ва корхона ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблашда, ишлаб чиқариш дастурини режалаштиришда, ускуналар балансини тузишда фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар асосида ускуналар инвентаризация қилинади ва уларни ҳисобдан чиқариш, ҳисобга киритиш амалга оширилади.

Асосий воситаларни пул шаклида баҳолаш асосий воситаларнинг такрор ишлаб чиқаришини режалаштириш, эскириш меъёрини ва амортизация ажратмалари миқдорини ҳамда хусусийлаштириш ҳажмини аниқлаш учун зарур ҳисобланади.

Асосий воситалар ишлатилиши жараёнида эскириб боради ва ўзининг бошланғич қийматини босқичма-босқич йўқотиб боради. Уларнинг реал қийматини аниқлаш учун эскирган қисмининг қийматини аниқлаш зарурати туғилади. Уларнинг бошланғич ёки тиклаш қийматидан эскириш суммаси айрилиб, асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини аниқланади.

Эскиришнинг жисмоний ва маънавий кўринишлари фарқланади.

Жисмоний эскириш деганда асосий воситаларнинг бошланғич истеъмол қийматининг босқичма-босқич йўқолиб бориши тушунилади. Бунда нафақат уларнинг ишлаш жараёнидаги эскириши, балки бекор туриши натижасида ҳам эскирганлиги киради. Асосий воситаларнинг физик эскириши асосий воситалар сифатига, уларнинг техник такомиллашганлигига, технологик жараённинг хусусиятларига, уларнинг ишлаш вақтига, ташқи таъсирлардан химояланганлигига ҳамда асосий воситаларни парвариш қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш даражасига боғлиқ.

Асосий воситаларни жисмоний эскириши хатто уларнинг бир ҳил элементларидан ҳам хар ҳил бўлади. Асосий воситаларнинг тўлиқ ва қисман

эскириши фарқланади. Тўлиқ эскирганда ишлаб турган, асосий воситалар йўқотилади ва жойига янгиси келтирилади. Қисман эскириш таъмирлаш йўли билан қопланади.

Асосий воситаларнинг жисмоний эскириши ҳақиқий хизмат қилган даврни нормативдаги даврга бўлиш ва 100 га кўпайтириш йўли билан ҳисобланиши мумкин. Нисбатан тўғри усул бу объектнинг табиий ҳолатини текширишдир.

Маънавий эскириш- бу машина ва ускуналар қийматининг уларни такрор ишлаб чиқариш учун кетадиган умумий, зарурий харажатларнинг қисқариши, янги ва унумдор машина ва ускуналарнинг жорий қилиниши таъсирида пасайишидир. Ушбу омиллар таъсирида асосий воситалар ўзининг техник тавсифи ва иқтисодий самарадорлиги жихатдан қолоқ бўлиб қолади, яъни маънавий эскиради.

Ҳозирги шароитда маънавий эскиришни ҳисобга олишнинг аҳамияти ортиб боради. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун ҳали тўлиқ жисмоний эскирмаган, лекин маънавий эскирган техникани ўз вақтида замонавийлари билан алмаштирмаслик маҳсулот таннархини пасайтиришга, сифатини яхшилашга имконият бермайди. Бундай маҳсулотлар билан рақобатга киришиб бўлмайди.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида тижорат корхоналарида асосий воситаларни янгилашга кетадиган харажатларни қоплашнинг асосий манбаи уларнинг ўз маблағлари ҳисобланади. Бу маблағ асосий воситадан фойдаланиш мобайнида амортизация ажратмаси шаклида жамғарилади.

Амортизация — асосий воситалар эскиришини маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қисмлаб ўтказиш йўли билан йиғилиб бориладиган пул маблағларидир.

Амортизация ҳисобланадиган мулк таркибига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 50

баробаридан ортиқ бўлган ва фойдаланиш муддати 1 йилдан ошадиган мулклар киради. Ер участкалари, казилма бойликлари, ўрмон ва молиявий активлар бунга кирмайди. Амортизация ажратмаси суммаси асосий воситанинг қийматига ва модернизация харажатларига боғлиқ.

Амортизация йиллик суммасини асосий воситалар қийматига нисбатан фоизларда ифодалаш орқали унинг нормаси аникланади. Амортизация нормаси асосий воситалар йилига ўзининг баланс қийматининг канча қисмини маҳсулот ишлаб чиқариш таннарига қўшилаётганлигини билдиради. Амортизация нормасини ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$H = ((F1-F2)/T*F1) * 100$$

Бу ерда : **F1** – асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, сўм;

F2 – асосий воситаларнинг йўқотилган қиймати, сўм;

T – асосий воситаларнинг меъёрий хизмат муддати, йил,

Амортизация нормаси даражаси асосий воситаларнинг эскирган қийматини қайта тиклаш учун зарур бўлган ресурслар ҳажмини ифодалайди. Амортизация нормаси ёрдамида асосий воситаларнинг айланма тезлиги ва уларни такрор ишлаб чиқариш жараёнини моделлаштириш назорат қилинади.

Асосий воситаларни тўлиқ тиклаш учун ажратилган амортизация суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$A = A * F3$$

Бу ерда: **F3** – асосий воситаларнинг уртача қиймати, сўм;

Асосий воситалар маънавий эскириши кўп ҳолларда жадал кечади. Шунинг учун бошқарувчи амортизация ажратмасини тез маънавий эскираётган асосий воситаларнинг ўрнини қоплаб оладиган даражада

белгилаши лозим. Бу муаммони тезлаштирилган амортизация усули ёрдамида ҳал қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда ускуналар қийматининг катта қисмини дастлабки йиллардаёқ ишлаб чиқариш харажатларига ўтказишни тامينлайдиган нотекис амортизация кенг қулланилмоқда. Бу корхоналарга инфляция шароитида қилинган харажатларни тезроқ қоплаш ва ускуналарни янгилаш имконини беради.

Саноат корхоналарида амортизация ажратмалари суммаси мустакил равишда корхонанинг асосий воситаларни такрор ишлаб чиқариш ва такомиллаштиришга сарфланади.

Асосий воситалар такрор ишлаб чиқаришнинг турли шакллари мавжуд. Оддий такрор ишлаб чиқариш шакли – бу эскирган меҳнат воситаларини капитал таъмирлаш. Бунда таъмирлаш харажатлари бевосита маҳсулот таннархига қўшилади. Ноишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш учун харажатлар фойда ҳисобига қопланади.

Асосий воситалар кенгайтирилган шаклда такрор ишлаб чиқариш деганда янги қурилишни амалга ошириш корхона фаолиятини кенгайтириш, уни реконструкция қилиш, техник қайта қуруланиш ҳамда ускуналарни модернизация қилиш тушунилади.

Бу шакилларнинг ҳар бири аниқ вазифани бажаради, ўзига яраша устунлик ва камчиликлари бор. Янги қурилиш ҳисобига асосий воситаларнинг барча элементлари замон талабига жавоб бера оладиги корхоналар юзага келади. Бироқ ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришнинг сусайиши билан кўпчилик корхоналар маблағ етишмаслиги сабабли фаолиятини тўхтатадилар. Реконструкция қилишда капитал харажатларнинг асосий қисми эски ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларидан фойдаланиш даврида воситаларининг актив қисмини такомиллаштиришга йўналтирилади. Ускуналарга қилинаётган харажатлар ҳиссасининг ортиши меҳнат

унумдорлигининг ортишига, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига ва маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади.

Ускуналарни модернизациялаш деганда ускуналардаги маънавий эскиришни тўлиқ ёки қисман бартараф қилиш ва ишлаб чиқаришга нисбатан замонавий конституцияларни жорий қилиш тушунилади.

Ускуналарни модернизациялаш бир неча йўналишларда олиб борилиши мумкин:

- Ишлаётган машиналарнинг конституциясини уларнинг техник имкониятларини оширадиган қилиб такомиллаштириш;
- Станок ва механизмларни автоматлаштириш ва механизациялаш;
- Ускуналарни дастурий бошқаришга ўтказиш.

Ускуналарни модернизация қилиш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, меҳнат унумдорлиги ва йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, маҳсулот таннархини камайишига олиб келади. Агар фойданинг ўсиши модернизация харажатлари туфайли асосий воситалар қийматининг ўсишидан юқори бўлса рентабеллик ошган бўлади.

1.2. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашни халқаро ва миллий стандартлар асосида ташкил этиш тамойиллари ва вазифалари

Республикамиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида асосий воситалар ҳисоби ва аудитини ислоҳ қилиш республикамизда мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, халқаро стандартлар доирасида ташкил этиш ва юритишни талаб этади. Асосий воситалар ҳисобини юритишда, аввало, ҳисоб юритиш сиёсатига амал қилиш лозим. Ҳисоб юритиш сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тамойил ва меъёрий қоидаларига мос равишда юритиш ва тузиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи тушунилади.¹

¹ «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сон БҲМС. //Солиқ тўловчининг журнали, №11, 1998. 3-банд.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати субъект томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузишда қўлланиладиган ўзига хос қоидалар ва амалий ёндашувларни ифодалайди.

Буни таъминлаш учун, аввало хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида, хусусан, асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш сиёсати «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1- сон БХМСга асосан ишлаб чиқирилиши керак. Асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ҳисоб сиёсати қуйидагиларни таъминлаши лозим:²

- асосий воситалар ҳисоби фойдаланувчилар эҳтиёжи учун аҳамиятли бўлиши;
- асосий воситалар ҳисобини ишончли бўлиши;
- айнан шундай фаолият юритувчи бошқа субъектларнинг асосий воситалар юзасидан молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятини бериши;
- асосий воситалар ҳисоби тушунарли ва оддий бўлиши лозим.

Асосий воситалар ҳисобининг умумий натижаларини ўзида акс эттирувчи бухгалтерия баланси ҳам мазкур 1-сон БХМСга асосан ишлаб чиқирилади ва керакли органларга тақдим этилади.

Асосий воситалар ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузушни ташкил қилишнинг аниқ йқналиши бўйича субъектнинг ҳисоб сиёсати шакллантирилишида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва шу мавзуга тегишли қонун ҳужжатларини қўллаш зарур.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисобини юритиш сиёсатини танлаш ва асослашга таъсир қилувчи омиллар қуйидагилар ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий ҳуқуқий шакли;
- мулкчилик шакли;

² «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сон БХМС. //Солиқ тўловчининг журнали, №11, 1998. 3-банд.

- фаолият тури ва тармоқ бўйсунуви;
- ишлаб чиқариш кклами ҳамда ишлатиладиган воситалар миқдори;
- солиққа тортиш муносабати;
- бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳаракат қилиш эркинлиги даражаси;
- молия хўжалик фаолияти шунингдек, асосий воситалар ва уларга маблағларнинг йўналтирилишининг ривожланиш стратегияси;
- бошқарув фаолиятининг техник жиҳатдан қуролланганлиги;
- хўжалик юритувчи субъектни асосий воситалар ҳисоби маълумотлари билан таъминланишини самарали тизимининг мавжудлиги;
- асосий воситалар ҳисобини юритувчи бухгалтер ҳодимининг малакаси, ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги;
- асосий воситалар самарадорлигидан моддий манфаатдорлик ва мажбуриятлар бўйича моддий жавобгарлик тизими.

Асосий воситалар ҳисобини юритиш ташкил этилган ҳисоб юритиш сиёсати асосида ташкил этилиб, у календар йилида ўзгартирилмайди.

Ҳисоб маълумотларидан фойдаланувчилар доираси анча кенгайиб бораётганлиги, интеграция жараёнлари чуқурлашаётганлиги, қўшма корхоналар барпо этилаётганлиги, жаҳон молия бозорига (қимматли қоғозлар биржалар, халқаро банклар, фондлар ва бошқаларга) чиқиляётганлиги сармоялар, ишчи кучи ва валютанинг айрим мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракатланиши зарурлиги бухгалтерия ҳисоби тизимини жаҳон стандартларига мос равишда юритишни янада кучли талаб этмоқда. Қолаверса, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун ҳам тобора долзарб вазифага айланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида республикада халқаро стандартларга тўла-тўқис мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг

миллий стандартларини бир нечтаси ишлаб чиқилди ва амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу стандартлар бухгалтерия ҳисоби шакллари ва усулларини танлашда хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини кенгайтирибгина қолмасдан, ҳисоб ахборотининг ишончлилиги учун уларнинг маъсулиятини ҳам талаб этади.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишда халқаро тамойилларга асосланган ҳисобварақлар режасининг қабул қилиниши навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Янги ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиб келаётган корхоналарнинг ташқи иқтисодий алоқаларга киришишида, жаҳон иқтисодий интеграциясига қўшилишида асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви, ўз навбатида, мавжуд қонунчилик базасини доимий равишда такомиллаштириб боришни, уни халқаро меъёрлар ва стандартларга мослаштириб боришни талаб этади.

Халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини соддалаштирилган тизими, хўжалик юритувчи субъектнинг олиб бораётган фаолияти ва иқтисодий аҳволи тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантиришда ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, бухгалтерия ҳужжатларини барча фойдаланувчиларга, жумладан, чет эл инвесторларига қулайлигини оширади.

Республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқишда, аввало, халқаро стандартларга асосланилади. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Халқаро бухгалтерия стандартлари қўмитаси (ХБСК)

томонидан ишлаб чиқилади. Ушбу қўмита 1973 йилда тўққиз мамлакат (Канада, Австрия, Германия, Франция, Япония, Мексика, Нидерландия, Буюк Британия ва АҚШ)нинг профессионал бухгалтерия тузилмалари томонидан таъсис этилган. Айни вақтга келиб мазкур ташкилот 30 дан ортиқ стандартни ишлаб чиқди ва эълон қилди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда республикамызда тобора ўзига хос масала бўлиб бормоқда. Бунга, биринчидан, халқаро бозорларда иш олиб борадиган компаниялар ўртасида муносиб муомала тили бўлишини талаб қилувчи жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, иккинчидан, халқаро стандартларни чуқур ўрганиш ва уларни мамлакатимиз амалиётида кенг қўлланиш зарурлиги сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ҳам бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқишда бевосита халқаро стандартларга таянилмоқда.

Асосий воситалар ҳисобини юритишда меъёрий ҳужжат ҳисобланмиш миллий стандартларни амалга киритиш зарурати энг аввало, асосий воситалар ҳисобининг базавий қоидалари ва тамойилларини тушунтириш ва умумлаштириш, асосий тушунчаларни баён қилиш, ҳисобга олиш усулларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасида асосий воситалар ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини қўллашдан иборат бўлиб ҳисобланади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг кўрсатмалари ва моддалари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида (БХМС) ўз ривожини топди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг иш фаолияти давомийлигини таъминлашда муҳим ўрин тутувчи асосий воситаларни юритиш бўйича ҳам стандартлар қабул қилинган. Бу «Асосий воситалар» номли 5-сон БХМС бўлиб, у корхона, ташкилот ва муассасаларда асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибини белгилаб беради. Бухгалтерия ҳисобининг миллий

стандарти Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби турисида”ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий жиҳатидан тартибга солиш тизимининг элементи бўлиб ҳисобланади.

Ушбу стандартнинг мақсади хўжалик субъектига мулкӣ, хўжа-лик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқида тегишли бўлган асосий воситаларни ҳисобга олиш услубларини белгилашдан иборатдир.

Асосий воситаларни ҳисобга олишдаги асосий қоидалар уларни активлар деб эътироф этиш пайтини аниқлаш, бу активларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган уларни баланс қиймати ва амортизация меъёрини аниқлаш, шунингдек, асосий воситаларнинг баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни аниқлаш ва ҳисобга олиш, амортизация ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва чиқарилгандан кейинги натижаларни ҳисоблаб чиқаришдан иборат бўлади.

Мазкур стандарт асосий воситаларни, агар улар 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” бўйича белгиланган таърифлар ва мезонларга мос келса, активлар деб эътироф этишни талаб қилади.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМС хўжалик субъектлари томонидан барча асосий воситаларни, жумладан, муддатли ижарани ҳам ҳисобга олиш чоғида қўлланилади, бухгалтерия ҳисобининг бошқа стандарти шартлари бўйича асосий воситалар бухгалтерия ҳисобининг бошқа услуби қўлланиши талаб этилса, ёки шунга йқл ққйиш ҳоллари бундан мустасно.

Шунингдек асосий воситалар ҳисобини юритишда «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сон БҲМС, «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар» номли 2-сон БҲМС, «Лизинг ҳисоби» номли 6-сон БҲМС, «Бухгалтерия баланси» номли 15-сон БҲМС, «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги кутилмаган ҳодиса ва хўжалик фаолиятида содир бўладиган воқеалар» номли 16-сон БҲМС, «Капитал қурилиш бўйича пудрат шартномалари» номли 17-сон БҲМС, «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли 19-сон БҲМС, «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-

хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21-сон БҲМСларидан кенг фойдаланилади. Ушбу стандартлар ва шу каби бошқа меъёрий ҳужжатлар асосий воситалар ҳисоби ва уларни аудитини ташкил этиш ҳамда юритиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Асосий воситалар ҳисоби мазкур стандартлар доирасида ташкил этилганлиги ва юритилишини текшириш ва шунга кўра баҳо бериш асосий воситалар юзасидан ўтказиладиган аудиторлик текширувининг асосий эътибор қаратиладиган томонини ташкил қилади.

Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлар очилган:

1-жадвал¹

Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар²

Т.р.	ҳ.в. №	ҳисобварақ номи	ҳ.в. туркуми
1	0110	«Ер»;	А
2	0111	«Ерни ободонлаштириш»;	А
3	0112	«Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ўзлаштириш»;	А
4	0120	«Биолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»;	А
5	0130	«Машина ва жиҳозлар»;	А
6	0140	«Мебель ва офис жиҳозлари»;	А
7	0150	«Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси»;	А
8	0160	«Транспорт воситалари»;	А
9	0170	«Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлар»;	А
10	0180	«Қўп йиллик экинлар»;	А
11	0190	«Бошқа асосий воситалар»;	А
12	0199	«Консервация қилинган асосий воситалар».	А

Ушбу ҳисобварақлар актив бўлиб, уларнинг дебет томонидаги сальдо хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд асосий воситаларнинг дастлабки қийматини акс эттиради. Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебет томонида уларнинг кўпайиши, кредит томонида эса камайиши ўз ифодасини топади.

Ўз навбатида шуни таъкидлаб қтиш жоизки, бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартлари асосида ва Ўзбекистон Республикасининг

¹ Ўзбекистон Республикасининг 21-сон БҲМС

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ асосий воситалар ва уларни амортизацияси ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тамойиллари қуйидаги қоидаларга асосланади:¹

- асосий воситалар ҳисобини икки ёқламали ёзув асосида юритиш;
- асосий воситалар ҳисобини узлуксиз юритиш;
- асосий воситаларни пулда баҳоланиши;
- асосий воситалар ҳисоби маълумотларини аниқлиги;
- асосий воситалар ҳисобида ҳисоблаш тамойили;
- асосий воситалар ҳисобини юритишда олдиндан кўра билиш;
- асосий воситалар ҳисобида мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- асосий воситалар ҳисобида кўрсаткичларнинг жипсланувчанлиги;
- асосий воситалардан кўрилган даромадларнинг ҳисобда тўғри акс эттирилганлиги;
- асосий воситаларга қилинган харажатларнинг ҳисоб объектларида тўғри ифодаланганлиги;
- асосий воситаларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Ушбу қоидалар доирасида асосий воситалар ҳисоби ташкил этилади ва юритилади. Ҳисоб тамойиллари ва стандартлари асосий воситалар ҳисобини юритишда асос бўлиш билан биргаликда, республикада асосий воситалар ҳисобининг ягоналигини таъминланишига хизмат қилади.

Республикамиз Президенти таъкидлаганларидек: «Биз – хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ўсиб борадиган кўпукладли иқтисодиётни ривожлантириш тарафдоримиз.

Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчиликини ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.»²

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, 6-модда.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000 й., 15-б.

Шундай хусусий мулкчиликнинг миқёси ва улуши ўсиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликни асосини таъмин этувчи мулкдорлар синфига уларнинг тасарруфидаги мулклари тўғрисида тўлиқ, ишончли ва тезкор маълумотлар билан таъминлашни йўлга қўйиш бўйича иқтисодий ислохотларни амалга ошириш кераклиги талаб этилади. Бу қабул қилинаётган миллий стандартларимиз, ишлаб чиқиладиган меъёрий ҳужжатларимизда ўз аксини топмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисобининг асосий мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ асосий воситалар юзасидан молиявий ва бошқа бухгалтерия ахборотлари билан таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу жумладан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг фойдаланувчилар ва қизиқувчиларни асосий воситалар ҳисоби юзасидан тўлиқ ва ишончли маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш учун хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисоби қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- мулкчилик усулидан қатъий назар асосий воситалар ҳисобини Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш ва юритиши;
- мавжуд асосий воситаларни меъёрий ҳужжатлар асосида баҳоланишини таъминланиши;
- асосий воситаларнинг ҳаракатини ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;
- бошқа активлардан асосий воситаларни ажратилган ҳолда гуруҳларга туркумлаб, уларни ҳисобини юритишни ташкил этиш;
- асосий воситаларнинг ҳолати ва сақланишини ҳисобга олиш, турган жойи (фойдаланиш жойи) бўйича мавжудлиги ва сақланишини, айрим ҳолларда уларнинг сақланиши учун маъсул бўлган шахслар бўйича назорат қилиш;

- асосий воситаларнинг эскиришини тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш ва уни ҳисобда тўғри акс эттириш;
- асосий воситаларга қилинадиган амортизация ажратмаларини меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ҳисобини юритиш;
- таъмирлаш бўйича харажатларни аниқлаш ва бу мақсадлар учун ажратилган воситаларнинг оқилона ишлатилишини назорат қилиш;
- эскирган, хўжалик учун ошиқча бўлган асосий воситаларни ўз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;
- ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар бўйича молиявий натижаларни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш;
- асосий воситалар учун мулк тўловлари суммасини тўғри аниқлаш;
- мавжуд асосий воситаларни иш билан таъминлаш ва уларни ошиқчасини аниқлаш;
- ижара муносабатидаги асосий воситалар бўйича ижара тўловларини ўз вақтида расмийлаштириш ва тўлов амалга оширилишини назорат қилиш;
- асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати бўйича тузиладиган ҳисоботларни ўз вақтида тузиш ва тегишли ташкилотларга тақдим этилишини таъминлаш ва бошқалар.

1.3. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг ҳуқуқий асослари

Асосий воситалар қиймати амортизацияни ҳисоблаш йўли билан сўндирилади. Амортизацияланадиган қиймат бутун фойдали хизмат муддати мобайнида субъект харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида мунтазам тақсимланади.

Асосий воситалар объекти бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ сўндирилгунга қадар ёхуд бу объектни балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади.

Асосий воситалар объекти бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ сўндирилган ёки бу объект балансдан ҳисобдан чиқарилган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасида тўхтатилади.

Асосий воситалар объектини фойдали ишлатиш муддати давомида амортизация ажратмаларини ҳисоблаш тўхтатилмайди, уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказиш, шунингдек уни буткул тўхтатиш шарти билан объектни қуриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техник қайта қуроллантириш ҳолатлари бундан мустасно.

Асосий воситалар объектлари бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ҳисобот давридаги корхона фаолияти натижаларидан қатъи назар амалга оширилади ва у дахлдор бўлган ҳисобот давридаги бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Асосий воситалар объектлари бўйича ҳисобланган амортизация суммалари бухгалтерия ҳисобида тегишли суммаларни алоҳида ҳисобварақда жамлаш йўли билан акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олинадиган асосий воситалар ва номоддий активлар ушбу модданинг қўлланилиши мақсадида амортизация қилинадиган мол-мулк деб эътироф этилади.

Қуйидагилар амортизация қилинмайди:

- 1) ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);
- 2) маҳсулдор чорва моллари;
- 3) кутубхона фонди;
- 4) музей қимматликлари;
- 5) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган асосий воситалар;

6) архитектура ёдгорликлари;

7) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлаклар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари;

8) қиймати илгари тўлиқ чегирилган мол-мулк;

9) асосий воситалар ва номоддий активлар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмалар.

Амортизация қуйидаги усулларни қўллаш орқали ҳисобланади:

а) амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш.

Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация тенг маромда, асосий воситаларни фойдали ишлатиш муддати мобайнида уларнинг амортизацияланадиган қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисобланади.

Мазкур усулга кўра асосий воситалар объектининг амортизацияланадиган қиймати унинг хизмат муддати давомида тегишли харажатларга тенг маромда ҳисобдан чиқарилади (тақсимланади). Усул амортизация меъёри фойдали хизмат муддатининг фаолиятига боғлиқлигига асосланган. Ҳар бир давр учун амортизация ажратмалари суммаси амортизацияланадиган қийматни объектдан фойдаланилган ҳисобот даврларидаги сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситалар объектининг бошланғич (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб, мазкур объектнинг тугатиш қийматини ва фойдали ишлатиш муддатини айирган ҳолда, белгиланади;

б) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули).

Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули ҳар бир муайян йилдаги асосий воситалар объектининг маҳсулотларини ҳисобга олишга асосланган.

Мазкур усул бўйича ҳар йиллик амортизация ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш учун бутун фойдали ишлатиш муддатидаги умумий баҳоланган маҳсулотлар йиғиндисини ва мазкур муайян йилдаги маҳсулотларни аниқлаш лозим. Маҳсулот сифатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирликлари сони, ишланган соатлар сони, ўтиб бўлинган тонна-километрлар сони ва бошқалар олиниши мумкин.

Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот давридаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг натурал кўрсаткичидан ҳамда тугатиш қийматини айирган ҳолдаги асосий воситалар объектининг бошланғич (тиклаш) қийматининг асосий воситалар объектини бутун фойдали ишлатиш муддатидаги назарда тутилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатан мутаносиблигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Асосий воситалардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек илмий-техникавий жараённинг катта таъсирида асосий воситалар амортизацияси қўйидаги усулларда ҳисобланадиган жадаллаштирилган амортизация йўли билан ифодаланади:

- а) икки барабар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;
- б) йиллар суммаси усули (кумулятив усул).

Икки барабар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули амортизацияни ҳисоблаш даврида амортизацияланадиган актив қийматининг камайишини англатади.

Мазкур усулга кўра тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулидан икки барабар амортизация меъёри мазкур ҳисобот давридаги асосий воситанинг тегишли қолдиқ қийматига кўпайтирилади. Икки барабар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули бўйича

амортизацияни ҳисоблашда фарз қилинаётган тугатиш қиймати бошланғич (тиклаш) қийматидан чегирилмайди.

Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот йили бошидаги асосий воситалар объектининг қолдиқ қийматидан ва мазкур объектни фойдали ишлатиш муддатига боғлиқ ҳолда ҳисобланган амортизациянинг икки баравар меъёридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Йиллар суммаси усулига (кумулятив усулга) кўра ҳар йили амортизация меъёри амортизация муддати охирига қадар қоладиган амортизацияланадиган қийматга улуш сифатида аниқланади. Улуш амортизация ажратмалари тугагунига қадар қоладиган тўлиқ йиллар сонини амортизация муддатини ташкил қиладиган йиллар тартиб сонлари суммасига бўлиш орқали аниқланади.

Йиллар суммаси усулида (кумулятив усулда) амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситалар объектининг тугатиш қиймати айирилган ҳолда бошланғич (тиклаш) қийматидан ҳамда суратида объектни фойдали ишлатиш муддатининг охирига қадар қоладиган йиллар сони, махражида эса - объектни фойдали ишлатиш муддати йиллари сони суммасининг нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида ҳар йиллик амортизация меъёрлари харажатларга тенг маромда ҳисобдан чиқариладиган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қийматига нисбатан фоизларда белгиланган.

Ҳисобот йили давомида асосий воситалар объекти бўйича амортизация ажратмалари Қўлланиладиган ҳисоблаш усулидан қатъи назар (амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулидан ташқари), йиллик сумманинг 1/12 миқдорида ҳар ойда ҳисобланади.

Мавсумий тусдаги ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси ҳисобот

йилида корхона томонидан асосий воситалардан фойдаланиш даври мобайнида тенг маромда ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг ҳар хил турларига (гуруҳларига) нисбатан амортизацияни ҳисоблашнинг турли усуллари қўлланилади. Бунда бир турдаги асосий воситалар объектлари бўйича (маркаси, тури ва бошқалар бўйича) фақат битта усул қўлланилади.

Қўлланиладиган амортизацияни ҳисоблаш усули корхонанинг ҳисоб сиёсатида мажбурий тартибда акс эттирилади. Корхоналар календарь йили давомида ҳисоб сиёсатини ўзгартирмаслиги керак, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сон БХМС) “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”нинг (рўйхат рақами 474, 1998 йил 14 август, Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 5-сон) 56-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Агар асосий воситалардан фойдаланишдан кутилаётган иқтисодий фойдада сезиларли даражада ўзгариш юз берадиган бўлса, амортизацияни ҳисоблаш усули ўзгараётган тамойилни акс эттириш учун шундай ўзгартирилиши керакки, токи юзага келган вазият амортизация усулининг ўзгартирилишини оқласин. Бундай ўзгартиш ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Бунда молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида мазкур ўзгартиш сабаблари ва уларнинг иқтисодий самараси очиқ берилиши керак.

Асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати асосий воситалар ҳолатини яхшилайдиган ва, демак, хизмат муддатини узайтирадиган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек бу муддатни қисқартирадиган технологик ўзгаришларни ҳисобга олиб, корхона томонидан қайтадан кўриб чиқилиши мумкин.

Тугатиш қиймати асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини ҳисоб-китоб қилишда муҳим таркибий омил ҳисобланади.

Тугатиш қиймати муҳим бўлмаган ҳолатда, у амортизацияланадиган қийматни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмайди.

Агар тугатиш қиймати аҳамиятга эга бўлса, у асосий воситаларни харид қилинган сана ёки уларни қайта баҳолаш санасида белгиланади. Тугатиш қиймати асосий воситаларнинг хизмат муддати охирида тугатиш бўйича кутилаётган харажатларга камайтирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига мувофиқ (144-модда) 2008 йил 1 январидан бошлаб асосий воситаларга қуйидаги меъёрларга асосан амортизация ҳисобланади:

2-жадвал

Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш меъёрлари¹

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Асосий воситаларнинг номи	Амортизациянинг йиллик энг юқори нормаси, фоизларда
I		Бинолар, иморатлар ва иншоотлар	
	1	Бинолар, иморатлар	5
	2	Нефть ва газ қудуқлари	
	3	Нефть-газ омборлари	
	4	Кема қатнайдиған каналлар, сув каналлари	
	5	Кўприklar	
	6	Дамбалар, тўғонлар	
	7	Дарё ва денгиз причал иншоотлари	
	8	Корхоналарнинг темир йўллари	
	9	Қирғокни мустаҳкамловчи, қирғокни ҳимояловчи иншоотлар	
	10	Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошқа сиғимлар	
	11	Ички хўжалик ва хўжаликлараро суғориш тармоғи	
	12	Ёпиқ коллектор-дренаж тармоғи	
	13	Ҳаво кемаларининг учиш-қўниш йўллари, йўлаклар, тўхташ жойлари	
	14	Боғларнинг ва ҳайвонот боғларининг иншоотлари	
	15	Спорт-соғломлаштириш иншоотлари	
	16	Иссиқхоналар ва парниклар	
	17	Бошқа иншоотлар	
II		Узатиш қурилмалари	
	1	Электр узатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари	8
	2	Ички газ қувурлари ва қувурлар	
	3	Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари	
	4	Магистрал қувурлар	
	5	Бошқалар	
III		Куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар	
	1	Иссиқлик техника ускуналари	8
	2	Турбина ускуналари ва газ турбиналари қурилмалари	
	3	Электр двигателлари ва дизель-генераторлар	
	4	Комплексе қурилмалар	
	5	Бошқа куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
IV		Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
	1	Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва ускуналар	15

¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 144-модда.

	2	Қишлоқ хўжалиги тракторлари, машиналари ва ускуналари	
	3	Коммутациялар ва маълумотларни узатиш рақамли электрон ускуналари, рақамли тизимлар узатиш ускуналари, рақамли алоқа ўлчов техникаси	
	4	Йўлдош, уяли алоқа, радиотелефон, пейжинг ва транкинг алоқа ускуналари	
	5	Узатишлар тизимлари коммутацияларининг ўхшаш ускуналари	
	6	Киностудияларнинг махсус ускуналари, тиббий ва микробиология саноати ускуналари	
	7	Компрессор машиналари ва ускуналари	
	8	Насослар	
	9	Юк кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш машиналари ва ускуналари, тупроқ, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва ускуналар	
	10	Устун-қозиқ қоқиш машиналари ва ускуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш ускуналари	
	11	Технологик жараёнлар учун барча турдаги сиғимлар	
	12	Нефть казиб чиқариш ва бургулаш ускуналари	
	13	Бошқа машиналар ва ускуналар	
V		Ҳаракатланувчан транспорт	
	1	Темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби	
	2	Денгиз, дарё кемалари, баликчилик саноати кемалари	8
	3	Ҳаво транспорти	
	4	Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти	20
	5	Енгил автомобиллар	
	6	Саноат тракторлари	
	7	Коммунал транспорт	10
	8	Махсус вахта вагонлари	
	9	Бошқа транспорт воситалари	20
VI		Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	
	1	Компьютерлар	
	2	Периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	20
	3	Нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси	
	4	Бошқалар	
VII		Бошқа гуруҳларга киритилмаган қатъий белгиланган активлар	
	1	Кўп йиллик дов-дарахтлар	10
	2	Идора мебелли ва ускуналари (шу жумладан телефон аппаратлари, ҳисоблаш қурилмалари ва бошқалар)	15
	3	Бошқалар	10

Солиқ солиш мақсадлари учун ҳар бир кичик гуруҳ бўйича амортизация ажратмалари амортизация нормасини қўллаш орқали, бироқ ушбу Кодекста белгиланган энг юқори нормадан ошмаган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Солиқ солиш мақсадлари учун амортизацияни ушбу моддада белгиланганидан пастроқ ва солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида мустаҳкамлаб қўйилган нормалар бўйича ҳисоблашга йўл қўйилади.

I боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 1-бобида асосий воситалар амортизацияси аудитининг назарий асосларига эътибор қаратилган. Мазкур бобда асосий воситалар

амортизацияси аудитининг мақсади, вазифалари ва йўналишлари келтириб ўтилган.

Асосий воситалар моддий бойлик бўлиб, ўзининг табиий қуриниши, узоқ вақт мобайнида ўзгартирмайди ҳамда қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига қисмлаб ўтказилади.

Асосий воситалар умумий ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси ҳисобланади. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, меҳнатнинг қуролланганлиги даражаси асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ҳажмига боғлиқ. Асосий воситаларнинг ва меҳнатнинг қуролланганлигик даражасининг ошиши меҳнатка ижтимоий характер бағишлайди ва жамоанинг маданий-техник даражасини оширади.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи барча омиллар ичида асосий ўринни эгаллайди.

Ишлаб чиқариш асосий воситалари моддий ишлаб чиқариш соҳасида қатнашади. У ўзининг амал қилиш цикли давомида ишлаб чиқариш жараёнида бир неча марта ишлатилади. Ишлаб чиқариш асосий воситалари босқичма-босқич эскириб, ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қисмлаб ўтказиб боради. Улар амортизация ажратмалари ҳисобига қопланади.

II боб. Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар

амортизацияси аудитини ташкил этиш

2.1. Асосий воситалар амортизацияси аудитини ташкил қилиш, режалаштириш, аудит дастури ва ахборот манбалари

Ҳукуматимизнинг республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шароитлари, тегишли қонун ва қарорлар асосида кўп укладли иқтисодиётни ва рақобат муҳитини шакллантиришнинг ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтириш, деб белгиланганлиги сабабли, бозор инфратузилмасининг асосларини яратишда айнан қонуний негизларга таянилди. Бозор инфратузилмасини шакллантиришда аудиторлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аудитнинг республикамизда вужудга келиши ҳамда кенг тарқалиши сабаб, аввало турли хил мулкчилликка асосланган ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шакллари турлича бўлган корхоналарнинг вужудга келишидир. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида ҳар бир мулкдор, ҳар бир инвестор ўз маблағларининг қай ҳолатда эканлигини ва маблағларидан қанчалик даромад топаётганлигини аниқлаш мақсадида аудиторнинг хизматига муҳтожлик сезади. Шу боисдан бўлса керак, аудиторлик фаолияти бозор иқтисодиётининг энг муҳим асосий қисмларидан биридир.

Иқтисодчи олим З.Маматовнинг фикрича, аудитнинг асосий мақсади, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ҳаққонийлигини тасдиқлашдан иборат. Унинг асосий вазифаси инвесторларга хатар даражасини анча камайтиришга ва шу асосда энг тўғри қарор қабул қилишга имкон беради¹.

В.И.Подольский, Г.Б.Поляк, А.А.Савин ва бошқаларнинг фикрича, аудит – бухгалтерия ҳисоби ҳолати, молиявий ҳисобот ва бухгалтерия балансининг мустақил экспертизасидир².

¹ Маматов З. Ўзбекистонда аудитни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. //Бозор, пул ва кредит. - Тошкент, 2005. № 2. 33-36 бетлар. 33-бет.

² Подольский В.И., Поляк Г.Б., Савин А.А. и др. Аудит. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. -655 с. 19-бет.

Асосий воситалар ҳаракатини аудит қилишни ташкил қилишда қуйидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- ◆ Асосий воситаларнинг киримини текшириш;
- ◆ Асосий воситаларни ҳужжатлаштиришни текшириш;
- ◆ Асосий воситаларга амортизация ҳисобланишини текшириш;
- ◆ Асосий воситалар бўйича жадалаштирилган амортизациянинг қўлланилишини текшириш;
- ◆ Асосий воситаларни таъмирлашни ва сметаларнинг ҳақиқийлиги ҳамда тўғрилигини текшириш;
- ◆ Асосий воситаларнинг чиқим қилинишининг мақсадга мувофиқ эканлигини текшириш;
- ◆ Асосий воситаларнинг ижарасини, ижара тўловларининг келиб тушишини текшириш;
- ◆ Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши бўйича молиявий натижаларнинг тўғри аниқланганлигини текшириш;
- ◆ Корхонада инвентаризация ўтказилиш тартибини ҳамда инвентаризация натижаларини текшириш.

Бугунги кунда корхоналарда яхлит миллий ахборот тизимлари шаклланмоқда, бу билан улар фақат хизмат кўрсатишгина эмас, балки сармоялар, товарлар ва хизматларга йўналиш бериш ва фаоллаштириш учун ҳам қўл келмоқда. Давлатнинг хўжалик соҳасидаги тадбирларининг самарадорлиги, акциядорлик жамиятларини тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши, бозор муносабатларининг кенгайиши ва маркетинг хизматининг мустақамланиши кўп жиҳатдан «иқтисодий коммуникация» жараёнларини ташкил қилиш даражасига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш зарур ҳолларда тегишли бўлимлари операцияларини ўтказишнинг ташқи шартларини, яъни умумий иқтисодий вазият бозорнинг фирмавий тузилмалари, солиқ талабномалари, ташқи молиялашнинг етиб

келиши, фойдали инвестицияларнинг йўналишлари асосий муомала сармояси манбалари ҳамда нархлари, ишчи кучи ёллаш имкони етарли ва ҳоказони камровчи кенг маълумот доирасини ўз тассарруфига олиши мумкин.

Корхоналарда асосий воситалар ҳаракати аудитини ташкил этиш, режалаштириш ва сифатли аудиторлик хизматидан фойдаланиш учун аудиторлик фирмалари фаолияти ва аудиторлар малакасини аниқлашда ва уларни танлашда юқоридаги таклифлардан фойдаланиш ижобий натижаларга эришишга олиб келади.

Аудитор томонидан текширув стратегиясини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Аудиторлик текшируви одатда ҳар доим муайян муддат билан чегараланган бўлади. Ана шу текширувлар туфайли йирик ва ўрта корхоналарда аудитор текшируви ҳар доим ҳам муваффақиятли чиқавермайди.

Шу боис, аудитор ҳар бир иқтисодий субъектнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда текширув стратегиясини аниқлаб олиши зарур. У қуйидагиларни ўз ичига олади.

Мижоз фаолияти ҳақида тўпланган ахборотни кўриб чиқиш;

Ички назорат таваккалчилиги ва самарадорлигига дастлабки баҳо бериш;

Алоҳида операциялар гуруҳлари текширувининг моҳияти ва давомийлигини аниқлашдан иборат.

Аудитор текширув стратегияси аудитор томонидан ёзма шаклда тузиладиган режа кўринишига эга бўлиши керак. Бунга қуйидагилар киради:

- зарурий тестлар ҳажми ва турини олдиндан аниқлаш;
- уларни ўтказиш бўйича харажатларни баҳолаш;
- текширув бошлангунича барча асосий масалалар бўйича миқдор билан ўзаро келишиш;
- мазкур миқдорда аудитни бажариш ва унинг сифатини асослайдиган далилларга эга бўлиш;

- мижоз бизнеси ҳақида ахборот олиш (фаолият тури, тузилиши ва алоқаси, сиёсати, ҳуқуқий ҳолатлари).

Бизнингча, аудитор текширув стратегияси бу текширув мақсадига эришишнинг энг оқилона йўллари танлашга асосланган ва аудитор тажрибаси, малакасига, аудитор ташкилоти ва мижоз ҳамкорлигининг узок муддатлилигига, яъни мижоз билим даражасига, аудитда ечиладиган масалалар моҳиятига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Бу масалаларни ечишда хорижий тажрибалар ва бошқа элементларнинг амалиётга тадбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Айниқса, аудиторлар фаолиятини тендер қилиш ва уларни баҳолаш туфайли сифатли кафолатланган аудит-консалтинг хизматига эришишга имконият яратади.

Асосий воситаларни аудит қилишдан олдин аудит дастури тузилади. Аудит дастури аудит умумий режасини ривожлантириш ҳисобланади ва аудит режасини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган аудиторлик русум-қоидалари мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади. Дастур аудитор ёрдамчилари учун батафсил йўриқнома бўлиб хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик гуруҳининг раҳбарлари учун иш сифатини назорат қилиш воситаси ҳисобланади.

Аудитор аудит дастурини ҳужжатли расмийлаштириши, ҳар бир бажариладиган аудиторлик русум-қоидасини рақам ёки код билан белгилаши керак, токи аудитор иш жараёнида ўзининг иш ҳужжатларида уларга ҳавола қилиш имкониятига эга бўлсин.

Мазмунига кўра аудиторлик таомиллари ўз ичига бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақлар бўйича айланмалар ва қолдиқ тўғри акс эттирилганлигини батафсил текширишни олади. Аудиторлик таомиллари дастури ана шундай аниқ батафсил текширишлар учун аудитор ҳаракатлари рўйхатидан иборат бўлади. Моҳиятига кўра таомиллар учун аудитор бухгалтерия ҳисобининг айти қандай бўлимларини текширишини белгилаши

ва бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир бўлими бўйича аудит дастурини тузиши керак бўлади.

3-жадвал

АУДИТ ДАСТУРИ¹

Текширилаётган ташкилот	«Трест 12» АЖ
Аудитни ўтказиш даври	15.03.2014-20.03.2014
Аудиторлик гуруҳи раҳбари	Ҳакимов С.
Аудиторлик гуруҳи таркиби	Ҳалилов Т., Ҳакимов С.
Режалаштирилаётган аудиторлик rischi	6%
Режалаштирилаётган муҳимлик даражаси	4%

	Аудит бўлимлари бўйича аудиторлик тадбирлари рўйхати	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Изоҳлар
1.	Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллариининг ҳисоб сиёсатида қайд этилганлиги	16.03.2014	Ҳакимов С.	Ҳисоб сиёсати	
2.	Асосий воситалар амортизация ҳисоблашда хужжатларнинг мавжудлиги	16.03.2014	Ҳалилов Т.	13-журнал-ордер, 3-шакл	
3.	Асосий воситаларга ҳисобланган амортизация ва уларни ҳисобда тўғри акс эттирилишини текшириш	16.03.2014	Ҳакимов С.	13-журнал-ордер, 3-шакл	
4.	Асосий воситаларга амортизация ажратмаларининг харжатларга тўғри ўтказилганлигини текшириш	16.03.2014	Ҳалилов Т.	13-журнал-ордер, смета	
5.	Бухгалтерия балансида амортизация ажратмаларининг тўғри қайд этилганлигини текшириш	16.03.2014	Ҳакимов С.	13-журнал-ордер, Бош дафтар, баланс, 3-шакл	

Унинг номидан аудиторлик хулосаларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилоти раҳбари: Қодиров Т.

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Ҳакимов С.

Мазмунига кўра аудиторлик таомиллари ўз ичига бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақлар бўйича айланмалар ва қолдиқ тўғри акс эттирилганлигини батафсил текширишни олади. Аудиторлик таомиллари дастури ана шундай аниқ батафсил текширишлар учун аудитор ҳаракатлари

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

рўйхатидан иборат бўлади. Моҳиятига кўра таомиллар учун аудитор бухгалтерия ҳисобининг айти қандай бўлимлирини текширишини белгилаши ва бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир бўлими бўйича аудит дастурини тузиши керак бўлади.

Аудитни ўтказиш шартлари ва аудиторлик таомиллари натижаларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда аудит дастури қайта кўриб чиқилиши мумкин. Ўзгаришларнинг сабаблари ва натижалари ҳужжатлаштирилиши керак.

Аудиторлик дастурининг ҳар бир бўлими бўйича аудиторнинг иш ҳужжатларида расман акс эттирилган ҳулосалари аудиторлик ҳисоботи (ҳўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик ҳулосасини тузиш учун асос материали, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида аудиторнинг ҳолис фикрини шакллантириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, асосий воситалар аудитини ўтказаетганда аудиторлар аудиторлик текширувини ўтказишнинг мана шу тартибдаги дастурини тузиш лозим, деб ўйлаймиз. Агарда бу тартиб миллий аудиторлик ташкилотларида кенг қўлланилса, аудиторлик текширувини ўтказишнинг кам харажатли, кам вақт сарфлайдиган, шу билан бирга илмий асосланган аниқ режасини тузишга имкон яратилишига замин тайёрланади.

Асосий воситаларни аудиторлик текширувидан ўтказиш миждоз-корхона фаолияти умумий аудитининг бир қисми ҳисобланади. Унинг мақсади бухгалтерия ҳисоботи асосий воситалар бўлимининг ишончилиги тўғрисида фикр шакллантириш ва корхонада асосий воситалар билан боғлиқ муомалаларни ҳисобга олиш ҳамда солиққа тортиш услубиётини ташкил этишнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Асосий воситалар аудити аудиторлик текширувининг муҳим объектларидан бири бўлиб, ундаги ўрганиладиган масалалар кенг камровли ва уларнинг барчасини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- асосий воситалар мавжудлиги ва сақланиш ҳолати устидан назорат ўрнатишни таъминлаш (объектларни асосий воситалар қаторига киритишнинг тўғрилиги; асосий воситаларнинг тўғри туркумланиши; асосий воситалар аналитик ҳисоби ва асосий воситалар учун моддий жавобгарликни ташкил этиш; аналитик ва синтетик ҳисоб ҳамда ҳисобот маълумотларининг мослиги);

- асосий воситалар кирими ва чиқимиға доир муомалаларни дастлабки ҳужжатлаштириш ҳамда ҳисобда акс эттириш; асосий воситалар кирими ва чиқимиға доир муомалаларни синтетик ҳисоб регистрларида акс эттириш; асосий воситалар кирими ва чиқимиға доир муомалаларни солиққа тортиш;

- асосий воситаларға амортизация ҳисоблаш ва ҳисобда акс эттириш (асосий воситаларнинг фойдали хизмат қилиш муддатини аниқлашнинг тўғрилиги); амортизация ҳисоблаш усуллари қўллашнинг қонунийлиги ва тўғрилиги; жадаллаштирилган амортизация усулини қўллашнинг қонунийлиги; амортизация ажратмалари ҳисоб-китобларининг тўғрилиги; амортизация ажратмаларини ҳисобда акс эттиришнинг тўғрилиги);

- асосий воситаларни тиклашни - таъмирлаш, замонавийлаш-тириш ва қайта жиҳозлашни ҳисобда акс эттириш (муомалаларни ҳужжатларда расмийлаштириш; таъмирлаш усуллари; таъмирлаш харажатларини таннархға олиб боришнинг тўғрилиги; асосий воситаларни қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштиришга доир муомалаларни ҳисобга олиш;

- асосий воситалар корхона бухгалтериясидаги синтетик ва аналитик ҳисобининг ҳолатини баҳолаш; белгиланган қоидаларға мувофиқ корхонанинг ўзига қарашли (0110-0199 счётлар), жорий тартибда ижарага олинган (001-счёт) ва молиявий лизинг асосида олинган асосий воситаларни

(0310-счёт) сақлаш жойларида моддий жавобгар шахслар бўйича ҳисобга олишнинг ташкил этилишини баҳолаш;

- корхонанинг ўзига қарашли ва молияланадиган лизинг асо-сида олинган асосий воситалар бўйича ойлик эскириш ҳисоб-ланишининг тўғрилигини текшириш (0211-0299-счётлар). Чунки, бу маълумотлар реализация қилинадиган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархининг (2010, 2310, 2510, 2710 счётлар дебети) шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, оқибатда корхонанинг молиявий натижалари (баланс фойдаси ёки зарари)га ва бюджетга тўланадиган фойда (даромад) солиғининг миқдorigа таъсир этади;

- асосий воситаларнинг сотиб олиниши ва ҳисобдан чиқа-рилиши ҳамда уларни юридик ва жисмоний шахслардан ижарага олиш билан боғлиқ муомалалар бўйича солиқ қонунчилигига риоя қилинишини текшириш;

- асосий воситаларни хўжалик ва пудрат усулларида (капитал ёки жорий) таъмирлаш харажатларини ҳисобга олишнинг кор-хонада амал қилинаётган тартибини, корхонада бир йилга қабул қилинган ҳисоб юритиш сиёсатидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш ва текшириш (асосий воситаларни таъмирлаш учун резервга маблағ ажратиш механизmidан фойдаланиб ёки фойдаланмасдан);

- агар аудитор билан тузилган шартномада келишилган бўлса, корхонада асосий воситалардан фойдаланишни вақт оралиғи ва қуввати бўйича корхонанинг ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда таҳлил қилиш;

- асосий воситаларни баҳолаш ва қайта баҳолаш натижа-ларини текшириш.

Аудитор ушбу асосий масалаларни ўрганиб, уларга аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида баҳо бериши ва йўл қўйилган хатолар ҳамда ҳисобнинг белгиланган қоидаларидан четга чиқиш ҳолларини бартараф қилиш бўйича таклифлар бериши лозим.

Аудитор асосий воситалар аудитини бошлашда хўжаликка ке-лиши билан биринчи навбатда қуйидагиларни аниқлаши зарур:

- корхонанинг асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш бўйича текширилаётган ҳисобот давридаги ҳисоб юритиш сиёсати, унинг ўтган ҳисобот давридагига нисбатан ўзгариши билан танишиш;

- асосий воситаларнинг сўнгги инвентаризация(ашёвий рўй-хат)дан ўтказилиши ва унинг натижаларини аниқлаш;

- асосий воситаларни сўнгги қайта баҳолаш материаллари ва уларнинг ҳисобда акс эттирилиши билан танишиш. Бунда аудитор Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг тегишли меъёрий ҳужжатларига мувофиқ корхона балансида турадиган ва қайта баҳоланган асосий воситалар тик-ланиш қиймати бўйича акс эттирилишини назарда тутиши лозим.

- корхонада асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш бўйича доимий комиссия ташкил этилиши: асосий воситаларни фой-даланиш жойларида сақлаш учун жавобгар шахслар ҳақида буйруқ (фармойиш) нинг мавжудлигини текшириш, шунингдек, улар билан шахсан тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилганлигини аниқлаш;

- тадбиркор сифатида рўйхатга олинган ва рўйхатга олин-маган юридик ҳамда жисмоний шахслар билан асосий воситалар ижараси бўйича тузилган шартномаларни ўрганиш.;

- бухгалтерияда асосий воситалар картотекаси (АВ-6 ва АВ-8 шаклидаги инвентар карточкалар) ва компьютерда ёки қўлда бажа-риладиган вариантдаги аниқ инвентарь рўйхати (АВ-9 шакл) юри-тилишига ишонч ҳосил қилиш лозим;

- ишдан бўшаб кетган моддий жавобгар шахслар ҳақида маълумотлар (буйруқлар, ходимлар рўйхати)ни ўрганиш ;

- асосий воситалар ҳисобини юритиш қоидалари баён қилин-ган амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва асосий воситалар ҳисобига доир ягона шаклдаги (унификацияланган) идоралараро дастлабки ҳужжатларнинг шакллари билан корхона бухгалтерияси қай дара-жада таъминланганлигини аниқлаш.

Шу тарзда олинган маълумотлар аудиторга мазкур корхонада асосий воситалар ҳисобининг ташкил этилиши ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш имконини ва текширувда махсус эътибор бериш лозим бўлган масалаларни аниқлашга ёрдам беради.

Аудитор асосий воситалар ҳисобига доир муомалаларни тек-ширишни бошлашидан олдин ички назоратнинг аҳволини тест усу-лида аниқлаши мақсадга мувофиқдир. Бу нафақат ички назорат тизимининг ишончлилигини баҳолаш, балки аудиторлик текшируви ўтказиш дастурига тузатиш киритишга ҳам имкон яратади.

4-жадвалда келтирилган тестдан шундай хулоса қилиш мумкинки, текширув ўтказиладиган корхонада ҳисобот даврида инвентари-зация ўтказилмаган, ҳисоб сиёсатида айрим объектларни инвен-таризация қилиш тартиби ва муддатлари белгиланмаган. Натижада, текширув чоғида асосий воситалар объектларини танлаб инвен-таризация қилиш зарур. Мазкур корхона бўлинмаларида асосий воситалар ҳисобига доир муомалалар устидан ички назоратнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида сезиларли хатоларга йўл қўйиш хавфи катта.

Бош дафтарда акс этирилган 0110-0199, 0211-0299, 0310, 0710, 0720, 0810, 0820, 0840, 0850, 0860, 0890, 0920, 4810, 4820, 4830, 6910, 6920, 7910 синтетик счётлар қолдиқларининг мос ра-вишда аналитик ҳисоб регистрлари ва бухгалтерия баланси маълу-мотларига мувофиқлигини аниқлаш зарур. Улар барча позициялар бўйича: ой бошига қолдиқ, ойлик оборотлари, ой охирига қолдиқ-лар бир-бирига тўғри келиши лозим. Агар тафовутлар аниқланса, уларнинг сабабларини аниқлаш ва корхонага асосий воситаларни,

монтаж талаб қиладиган қурилмаларни; капитал қўйилмаларни, тузилган лизинг шартномалари бўйича мажбуриятларни инвентаризация қилиш тавсия этилади.

4-жадвал

Асосий воситалар ҳисобини текшириш бўйича ички назорат тизимининг аҳволини аниқлаш тести¹

№	Тест саволининг мазмуни	Жавоблар		
		Ҳа	Йўқ	Эслатма
1.	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш бўйича комиссия тузиш тўғрисида буйруқ борлиги?	√		
2.	Ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисидаги буйруқда асосий воситаларни инвентаризация қилиш усуллари ва муддатлари кўрсатилганми?		√	
3.	Инвентаризация белгиланган муддатларда ўтказилганми?		√	
4.	Асосий воситалар охириги марта қачон инвентаризация қилинган?	√		2 йил олдин
5.	Инвентаризация натижалари ҳисобда акс эттирилганми?			Сўнги 2 й. да инв-я ўтказилмаган
6.	Асосий воситаларни сақлаш ва ишлатиш жойлари ҳисоб регистрида акс эттирилганми?	√		
7.	Асосий воситаларнинг фойдаланиш жойларида сақланиши учун масъул шахсларни тайинлаш тўғрисида буй-руқлар борлиги?	√		
8.	Асосий воситаларни сақлаш учун масъул шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилганми?		√	
9.	Корхонада асосий воситалар ҳисобига доир дастлабки ҳужжатларнинг унификацияланган шакллари қўлланиладими?	√		Тўлиқ эмас
10.	Асосий воситалар ҳисоби бўйича ҳужжатлар айланиш режа-графици тузилганми?		√	
11.	Бош бухгалтер томонидан ҳужжатлар айланиш режа-графицига риоя қилиш устидан назорат амалга оширилганми?		√	
12.	Асосий воситалар объектлари ёнгин ва бошқа табиий офатлардан суғурта қилинганми?	√		
13.	Асосий воситалар туркумланганми?		√	
14.	Асосий воситалар кодификатори ишлаб чиқилганми?		√	
15.	Инвентарь карточкалар мавжудми ва улар ишлатиладими?		√	
16.	Аналитик ҳисоб маълумотлари синтетик ҳисоб регистрлари билан таққосланганми?	√		Ҳа, фақат баланс тузиш пайтида
17.	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш бўйича далолатномалар ва бошқа ҳужжатлар раҳбар томонидан тасдиқланганми?	√		
18.	Корхонада ижарага олинган (оператив молияланадиган лизинг) асосий воситалар мавжудми?		√	
19.	Амортизация ҳисоблаш усули танланганми?		√	Чизиқли усул қўлланилади
20.	Таъмирлаш харажатларини ҳисобга олиш варианты танланганми?		√	Ҳақиқий харажатлар бўйича

Сўнгра корхонанинг асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича қабул қилинган ҳисоб юритиш сиёсати билан танишиш зарур. Бунда асосан

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- * корхонада асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг қайси усулини қўллаш қабул қилинганлиги;

- * корхонада асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини ҳисобга олишнинг қандай тартиби қабул қилинганлиги, асосий воситаларни таъмирлаш учун резервга маблағ ажратиш механизmidан фойдаланиб, яъни таъмирлаш фонди ташкил этиш ёки ташкил этмаслик.

Корхонада қабул қилинган ҳисоб юритиш сиёсати аудитор хулосасида акс эттирилиши лозим.

2.2. Асосий воситалар амортизациясининг аналитик ҳисобини

ташкил этиш аудити

Асосий воситалар мавжудлиги ва сақланишини, амортизацияни тугри ҳисобланганлигини аудиторлик текширувидан ўтказишдан мақсад бухгалтерия ҳисоботи моддаларининг ҳаққонийлигини таъминлашдан иборат.

Бунда аудитор қуйидагиларни текшириши лозим: корхонада белгилаб қўйилган чегарадан қиймати паст бўлган объектлар ёки қийматидан қатъий назар хизмат муддати 12 ойдан кам бўлган объектлар асосий воситалар қаторига ўтиб қолмаганлиги; корхонада асосий воситалар жорий активлар қаторига ва аксинча ўтказилмаганлиги; бунда шуни назарда тутиш зарурки, объект қийматининг чегараси объектни сотиб олиш (фойдаланишга топшириш) санасига аниқланади. Асосий воситаларни жорий активлар қаторига асоссиз ўтказиш аудиторлик текшируви чоғида аниқланадиган хатолардан биридир. Кўп ҳолларда бундай ўтказишнинг сабаби корхонанинг қўшимча амортизация ҳисоблаш ҳисобига ўз чиқимларини кўпайтиришга интилиши ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви чоғида корхонанинг асосий воситалар объектларига мулкый ҳуқуқининг талаб даражасида расмийлаштирилганлигини исботлаш зарур.

Аудиторга асосий воситалар объектларини яратиш, сотиб олиш, амортизацияни тўғри ҳисобланганлигини назорат қилиш, бериш шартномалари, зарур ҳолларда эса - қонунчиликка мувофиқ олди-соттини рўйхатга олиш гувоҳномаси тақдим қилинади.

Асосий воситалар амортизациясининг тўғри ҳисобланганлиги асосий воситалар тўғри баҳоланганлигини аниқлаш асосий воситалар мавжудлиги ва ҳаракатини текшириш чоғидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки мулк солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар, шунингдек корхона фаолиятининг молиявий натижаларини акс эттириш ва ҳисобот тузиш шунга боғлиқ.

Аудитор текширув ўтказишда асосий воситаларни ҳисобга қабул қилиш учун асос бўлган дастлабки ҳужжатларни (АВ-1, АВ-6 ва бошқа шакллар) жалб қилади.

Асосий воситаларни баҳолашнинг тўғрилигини текшириш ёппасига (объектлар сони унчалик катта бўлмаганда) ёки танлаб ўтказилади.

Асосий воситаларни баҳолаш ва дастлабки қийматини аниқлаш амалдаги қоидаларга мувофиқ амалга оширилади ҳамда асосий воситалар объектларини сотиб олиш усулига боғлиқ.

Аудитор Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ асосий воситалар олди-сотди шартномаларининг мавжудлиги ва расмийлаштирилишини, айрим харажатларни асосий воситалар қийматига қўшишнинг қонунийлигини; тугалланган қурилиш объектлари инвентар қийматининг тўғри аниқланганлиги; қўшимча қурилганидан ва қўшимча жиҳозланганидан, қайта жиҳозланганидан, замонавийлаштирилганидан ёки қисман тугатилганидан сўнг объект қиймати тўғри аниқланганлигини текширади.

Бунда аудитор №21 БХМС га мувофиқ киритилган ўзгартишларга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Хусусан, асосий воситаларни сотиб олиш ва қуриш билан боғлиқ, аммо белгиланган тартибга кўра асосий воситаларнинг дастлабки қийматига қўшилмайдиган харажатлар 01.01.2002 дан объектларнинг дастлабки қийматига қўшилмасдан, 9430 счёт дебетига олиб борилганлигига эътибор бериши керак.

Аудитор баҳоларни келишиш баённомаси ва таъсис ҳужжатларида асосий воситалар баҳоланишининг акс эттирилиши; бошқа харажатларни асосий воситалар дастлабки қийматига қўшишнинг қонунийлиги; бозор баҳоларини қўллашнинг ишончлилигини текширади.

Асосий воситалар бозор баҳосини аниқлаш учун айнан шуларга ўхшаш маҳсулотлар баҳолари тўғрисида тайёрловчи - ташкилотларнинг ёзма равишда берган маълумотларидан; оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда эълон қилинган баҳолар тўғрисидаги маълумотлардан; айрим асосий воситалар объектларининг қиймати тўғрисида эксперт хулосаларидан фойдаланиш мумкин. Бундай асосий воситаларни ташиб келтириш бўйича корхона томонидан қилинган харажатлар ҳам объект қийматига қўшилади.

Чет эл валюталари ҳисобига сотиб олинган асосий воситаларни баҳолаш чет эл валютасини ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган, асосий воситалар объектини сотиб олиш санасига амал қилаётган валюта курси бўйича сўмга ҳисоблаб ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Аудитор контракт шартларига мувофиқ мулкка эгалик ҳуқуқининг ўтиш вақти тўғри аниқланганлиги; асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ божхона тўловлари ва бошқа чиқимларнинг сотиб олинган асосий воситалар қийматига қўшилганлигини текшириши лозим.

Аудитор асосий воситаларни баҳолашнинг тўғрилигини текшириш чоғида асосий воситалар дастлабки қийматининг ўзгариш ҳоллари бўлганлигига, қандай сабаблар (қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, қайта

жиҳозлаш, қисман тугатиш) ўзгаришга олиб келганлигига, капитал қўйилмаларга доир харажатлар 0810,0820,0840 ва 0890 счётларда акс эттирилганлигига эътибор қаратиши лозим.

Сўнги йилларда асосий воситаларни қайта баҳолашни текшириш муҳим аҳамият касб этмоқда. 21-БХМСга мувофиқ корхоналарда асосий воситалар объектларини қайта баҳолаш суммалари 8510 – «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида акс эттирилади. Бундай текширув қайта баҳолаш натижалари расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бунда аудитор қуйидагиларни текшириши лозим: барча асосий воситалар тўлигига ёки уларнинг бир қисми қайта баҳоланганлиги; асосий воситалар таркибида ҳисобда тўрган ер участкалари ва табиий фойдаланиш объектлари қайта баҳоланганлиги; қайта баҳолаш қандай усуллар ёрдамида ўтказилганлиги (индексация қилиш ёки ҳужжат билан тасдиқланган бозор баҳолари бўйича тўғридан-тўғри ҳисоблаб ўтказилиши ва ҳ.к.); бозор баҳоларини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг мавжудлиги; ҳисоб-китоблар тўғрилигини танлаб текшириш; қайта баҳолашдан сўнг эскирганлик даражаси ўзгарганлиги, қайта баҳолаш натижаларининг инвентарь карточкаларида акс эттирилганлиги, қайта баҳолаш натижаларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлиги, қайта баҳолаш натижаларининг ҳисобот тузишда ҳисобга олинганлиги ва шунга ўхшашлар.

Асосий воситалар мавжудлигини текшириш ва амортизация ҳисоби учун аналитик ҳисобни ташкил этиш ўрганилади. (бу ҳақда кейинги мавзуда батафсил маълумот берилади).Шунингдек,аудитор асосий воситалар қандай сақланаётганлигини ва уларни инвентаризация қилиш натижаларини ҳам текшириши лозим.

Асосий воситаларни инвентаризация қилишни текширишда аудитор дастлабки ҳужжатлар - ивентаризация рўйхатлари (инв-1, инв-10, инв-18 шакллар), инвентаризация комиссияси мажлис баённомаларини,

инвентаризация натижалари бўйича корхона раҳбариятининг қарорини ўрганади.

Инвентаризация материалларини текшириш аудиторга аудиторлик хатарлари ва аудиторлик амалларини тузатиш учун, ички назорат натижаларига қанчалик таяниш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиши учун зарур.

Бунда у инвентаризация ўтказишда №19 – «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли БҲМС умумий қоидаларига, хусусан 24-29 бандларига риоя қилинганлигини аниқлайди. Шу билан бирга аудитор инвентаризация натижасида ошиқча ва кам чиққан асосий воситаларни бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттирилиши ва солиққа тортилишининг тўғрилигини ҳам текширади. Бунда аудитор Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 23 июнь 2001 йилда 1054-рақам билан рўйхатга олинган «Инвентаризацияда аниқланган мулклар камомати ва ошиқча чиқишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва солиққа тортиш тўғрисидаги қарор» га риоя қилингани текширади.

Ҳисобга олинмай қолган асосий воситалар бўйича амортизация улар асосий воситалар таркибига қўшилган пайдан бошлаб умумий белгиланган тартибда ҳисобланади.

Кўзатиб чиқиш амаллари ёрдамида асосий воситалар ва уларнинг амортизациясига доир қуйидаги маълумот манбаларининг ўзаро мослигини текшириш амалга оширилади:

- * молиявий ҳисобот шакллариининг асосий воситалар амортизациясигага доир кўрсаткичлари;
- * молиявий ҳисобот шакллари ва бош дафтар кўрсаткичлари;
- * Бош дафтар, синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари кўрсаткичлари.

Даставвал, аудитор моддий жавобгар шахсларни ва улар билан тузилган тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар мавжудлигини

аниқлаши зарур. Агар шартномалар бўлмаса, у ҳолда аудиторлик текшируви далолатномасида уларни тузишни тавсия қилиши лозим.

Амалдаги тартибга кўра асосий воситалар амортизациясининг аналитик ҳисоби уларнинг таснифий гуруҳлари ва инвентар объектлари бўйича, шунингдек объектларнинг моддий жавобгар шахсларда туриш жойи (бўлинмалар, бригадалар, цехлар, участкалар ва бошқалар) бўйича юритилади.

Корхонага келиб тушган асосий воситалар амортизациясини текширишда ҳар бир объект бўйича алоҳида тузилган қабул қилиш - топшириш далолатномаси (накладной) (АВ-1 шакл) нинг расмийлаштирилишига эътибор қаратиш зарур. Бунда далолатномадаги объектнинг тавсифи, тўрган жойи, сотиб олинган манбаи, чиқарилган ёки қурилган йили, ишга туширилган вақти, объектнинг синов натижалари, унинг техник талабларга мувофиқлиги ва бошқа маълумотлар текширилади.

Айрим ҳолларда бир турдаги ва нархи бир хил хўжалик инвентарлари, асбоблар, станоклар олинганда «Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш умумий далолатномаси» тузилиши мумкин.

Аудитор асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг тўғрилигини текширишда ўрнатилган ҳар ойлик эскириш ҳисоблаш қоидаларига бухгалтерия томонидан риоя қилинаётганлигини аниқлаши лозим. Бунда текшириш учун асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда тўлдириладиган 6-шаклдаги ҳисоб-китоб жадвали асос бўлиб хизмат қилади. Аудиторга хизмат қилиш муддати ўтиб, амортизация ҳисоблаш тўхтатилган асосий воситалар объектларининг рўйхати тақдим этилиши лозим. Агар корхонада тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш механизми қўлланилса, ушбу ҳолат унинг ҳисоб юритиш сиёсатида кўрсатилган бўлиши лозим.

Аудитнинг ушбу блокида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

* корхона ҳисоб сиёсатида кўрсатилган - асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш қоидаларига риоя қилинишини текшириш;

- * амортизация ажратмаларини асосий воситаларнинг у ёки бу гуруҳига олиб боришнинг тўғрилигини текшириш;
- * ҳар ойлик амортизация ажратмалари суммалари бўйича ҳисоб-китобларни текшириш;
- * амортизация ажратмаларининг ҳисобда ўз вақтида ва тўғри акс эттирилишини текшириш.

Амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттиришнинг тўғрилигини аниқлаш № 5 БҲМС, 21-БҲМС ва миждоз-корхона ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғининг тегишли қисмига мувофиқ амалга оширилади. Бунинг учун корхона ҳисоб сиёсати бўйича буйруғининг қоидалари; асосий воситалар амортизация ҳисоб-китоби бўйича ишланма жадваллар кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Аудитор амортизация ҳисоблашнинг махсус шартлари қўлланиладиган асосий воситалар объектларининг рўйхатини олиши зарур. Буларга хусусан қуйидагилар киради:

- * хизмат қилиш муддати ўтиб кетган асосий воситалар;
- * амортизация ҳисобланмайдиган асосий воситалар;
- * консервациядаги асосий воситалар;
- * амортизация ҳисоблаш тўхтатилган асосий воситалар;
- * жадаллаштирилган амортизация усули қўлланилаётган асосий воситалар;
- * ноишлаб чиқаришдаги асосий воситалар;
- * молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар.

Амортизация ажратмаларининг ҳисобланишини текшириш чоғида аудитор амортизация ҳисоблаш усуллари (чизиқли усул, камайиб борувчи қолдиқ усули, фойдали ишлатиш муддати давомидаги йиллари йигиндиси бўйича қийматини ҳисобдан ўчириш усули, қийматни маҳсулот (иш) ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобдан ўчириш усули)га эътибор бериши зарур.

Асосий воситалар объектларининг бир хил гуруҳлари бўйича амортизация ҳисоблашнинг танланган у ёки бу усулини қўллаш бутун фойдали хизмат қилиш муддати давомида бошқасига ўзгартирилмасдан амалга оширилиши лозим. Аммо, солиққа тортиш мақсадида амортизация ажратмалари ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси 144-моддасига мувофиқ асосий воситалар объектларининг дастлабки қийматига нисбатан амалга оширилиши ҳам мумкин.

Аудитор танлаб текшириш усули билан асосий воситаларнинг фойдали хизмат қилиш муддати тўғри белгиланганлигини аниқлайди. Чунки, ҳисобот давридаги амортизация ажратмалари суммаси ва амортизация ажратмалари нормаларини белгилаш шунга боғлиқ. Амортизация ажратмалари нормалари нотўғри белгиланган ҳолатлар аниқланганида, аудитор бунинг оқибатида маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархи қанчалик ошган(пасайган) лигини аниқлайди.

Шунингдек, амортизация ҳисоблаш муддатларининг бошланиш ва тўхтатилиш муддатлари, амортизация ҳисоблашнинг мунтазамлиги, амортизация ҳисоблашда пасайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллашнинг тўғрилигини текшириш зарур.

Амортизация ажратмалари ҳисоб-китобларининг тўғрилиги танлаб текширилади.

Амортизация ажратмаларини маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига олиб боришнинг тўғрилигини текшириш амортизация ажратмаларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Аудитор амортизация ҳисобланадиган объектлар асосий воситаларнинг қайси гуруҳига (ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш) тегишлилигини, асосий воситалар маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) да ишлатилаётганлиги ёки оператив (қисқа муддатли) лизинг шартномаси асосида берилганлигини аниқлаши лозим. Ноишлаб чиқариш соҳасидаги асосий воситалар бўйича ҳисобланган амортизация ажратмалари ўз

маблағлари манбалари ҳисобига, оператив лизинг асосида топширилганлари бўйича эса фойда ва зарарлар счётига олиб борилади.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашни ҳисобга олишда энг кўп учрайдиган қоида бузилиш ҳоллари: айрим корхоналарда асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш ҳар чоракликда амалга оширилади; солиққа тортиладиган базани камайтириш мақсадида атайлаб хизмат қилиш муддати ўтиб кетган асосий воситаларга ҳам эскириш ҳисоблаш давом эттирилади; асосий воситаларга асоссиз тарзда тезлаштирилган эскириш ҳисобланади ва ҳ. к.

Уларни қуйидаги жадвалда баён қилиш мумкин.

5-жадвал

Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда кўп учрайдиган хато-камчиликлар¹

Амортизация ажратмалари бўйича аниқланган хатолар	Қайси ҳужжат қоидаси бузилган	Хатонинг оқибати
Асосий воситалар дастлабки (инвентар) қийматининг нотўғри аниқланиши (оширилиши ёки пасайтирилиши)	?	Амортизация ажратмалари суммалари ошиб (камайиб), солиққа тортиладиган фойданинг бузиб кўрсатилишига олиб келади.
Корхона зарар кўриб ишлаганида амортизация ҳисобланмаслик	?	Хўжалик фаоляти молиявий натижасининг бузилиши ва амортизация ҳисобланадиган объект фоидали хизмат муддатининг чўзилиши
Амортизация ажратмаларини ҳар чоракда бир марта (чораклик ҳисобот тузиш пайтида) ҳисоблаш.	?	Хўжалик фаоляти фактларининг вақтинчалик аниқлик тамойилининг бузилиши. Алоҳида даврлар бўйича молиявий натижалар бузиб кўрсатилиши
Тўлиқ амортизация қилинган асосий воситалар бўйича амортизация ҳисоблашнинг давом эттирилиши	?	Бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларининг бузилиши. Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархининг сунъий равишда ошиб кетиши, солиққа тортиладиган базанинг, ҳамда юридик шахсларга мулк солиғини ҳисоблашда мулклар қийматининг камайтирилиши
Амортизация ажратмалари ҳисоблашнинг бошланиш ва тўхатилиш муддатларини аниқлашдаги хатолар	?	Амортизация ҳисоблашни вақтидан олдин бошлаш солиққа тортиладиган фойданинг камайтирилишига, шунингдек, амортизация ҳисоблашнинг вақтидан олдин тугашини билдиради
Ижарага олинган асосий воситаларга қилинган капитал харажатлар бўйича амортизация ҳисобланиши	?	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархининг пасайиши. Бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларининг бузиб кўрсатилиши

Амортизация ажратмаларини текшириш чоғида қуйидаги таҳлилий амаллар қўлланилиши мумкин:

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

* асосий воситаларни ҳисобга оладиган счётлар (0110-0199) бўйича қолдиқларни ва жорий йилда ҳисобланган амортизацияни олдинги даврлардаги маълумотлар билан таққослаш ва уларнинг ўзгаришини баҳолаш;

* жорий йилда жамғарилган амортизация қолдиғини олдинги даврлардаги қолдиқлар билан таққослаш.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг тўғрилигини текширишда аудитор корхонада ўрнатилган амортизация нормаларининг мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Уларнинг йўқлиги йўл қўйилган хатоларга сабаб бўлиши мумкин.

2.3. Асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказиш ва уларни натижаларини расмийлаштириш

Асосий воситаларни аудит қилишдан мақсад, содир бўлган хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш ва солиққа тортишда қўлланилаётган тартибнинг Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборатдир.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситаларни аудит қилганда аудитор қуйидагиларни эътиборга олиши лозим:

- асосий воситалар билан таъминланиш даражаси;
- мавжуд ер майдонини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иморат, иншоот, машина ва ускуналар билан таъминланиш даражаси;
- янгидан сотиб олинган, қурилган, ўрнатилган асосий воситаларнинг ишга тушиши бўйича ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштирилиши ва умумлаштирилиши;
- асосий воситаларнинг белгиланган кўрсаткичлар асосида турлари бўйича ҳамда корхонага тегишли, шунингдек ижарага олинган ва ижарага берилганларини алоҳида туркумларга ажратиш бўйича бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилинишини текшириш;

- асосий воситаларнинг ҳисобини жавобгар шахслар ва фойдаланувчилар бўйича ташкил қилишнинг таъминланишини текшириш;
- корхона ичида ташкил қилинган кичик корхоналар ва бошқа бўлинмалар бўйича асосий воситалар ҳисобининг ташкил қилинишини текшириш;
- хиссадорлар бўйича асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш;
- корхонага қабул қилинган асосий воситаларнинг қонунийлигини текшириш.

Асосий воситаларнинг корхонага келиши текширилганда уларнинг амалдаги қонун ва қоидалар асосида олинишига, қурилишига эътибор берилади. Шунингдек, асосий воситаларни сотиб олишга ва қуришга зарур маблағларнинг молиялаштирилиши кабилар ўрганилади. Бунда, аввало, хўжаликнинг шу хилдаги зарур асосий воситалар билан таъминланиши, техник унумдорлик даражаси жиҳатидан ҳозирги кундаги ишлаб чиқариш талабига жавоб бера олиши текширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисобланган бино ва иншоотлар капитал қурилиш ҳисобига барпо қилинади. Бино ва иншоотлар кирим қилинишини текшириш уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини кўришдан бошланади. Сўнгра бино ва иншоотларнинг капитал қурилиш бизнес-режасига киритилиши, молиявий маблағлар билан таъминланиши, қурилишнинг иқтисодий мақсадли бўлиши ва қонунийлиги текширилади. Шунингдек, бино ва иншоотларнинг қурилиш муддатларига, уларни қабул қилиш комиссияси томонидан ўз вақтида, сифатли қабул қилиш учун тузилган далолатномаларига, бунда улар кўрсатилган камчиликларнинг тузатилган ёки тузатилмаганлигига аҳамият берилади.

Шундан сўнг асосий воситаларнинг хўжалик юритувчи субъектлар балансига ўз вақтида киримга олиниши текширилади. Қабул қилинган асосий воситанинг қабул қилиш далолатномасидаги техник тавсифномаси смета-лойиҳадаги техник характеристикасига таққослаб кўрилади. Асосий воситаларнинг қабул қилинишини текширганда уларни қабул қилиш бўйича

далолатномада кўрсатилган камчиликларнинг бартараф қилинишига алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир асосий воситанинг қабул комиссияси томонидан синаб қабул қилиниши, барча бино ва иншоотларнинг техник қоидаларига мувофиқ тўғри монтаж қилиниши, асосий воситалар таснифи бўйича киримга олиниши, ниҳоят инвентарга номер берилиши ва бошланғич баҳосининг тўғри аниқланиши алоҳида-алоҳида текширилади.

Маълумки, асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектларга юқори ташкилотлардан бепул берилиши мумкин. Бундай асосий воситалар текширилганида уларнинг бошланғич баҳоси, эскириши, амортизация суммалари, қабул комиссияси томонидан воситалар тўғри баҳоланиши ўрганилади. Шунингдек, асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектга бепул келиши мумкин. Бундай асосий воситаларнинг ҳам тўла киримга олиниши, жавобгар шахсларга бириктирилиши ўрганилади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда асосий воситалардан самарали фойдаланиш учун, энг аввало, уларнинг сақланиш даражасини таъминлаш зарур. Мавжуд асосий воситалар ишлаб чиқаришда қатнашаётганда ва ишсиз турганда инженер-техник ва давлат томонидан белгиланган стандартга асосланган ҳолда сақланилиши текширилади. Ишлатиладиган асосий воситаларнинг миқдор ва сифати жиҳатидан сақланишини жавобгар шахслар таъминлайди. Асосий воситаларни сақланишини текширганда аудитор қуйидагиларга эътибор беради:

- асосий воситалар сақланишининг давлат томонидан белгиланган меъёрга тўғри келиши;
- сақланаётган асосий воситалар хужжатларда тўғри расмийлаштирилганлиги;
- асосий воситаларнинг сақланаётган жойи ва инвентарь карточкалар ўртасидаги маълумотларнинг ўзаро мос келиши;

- асосий воситалар бир сақланиш жойидан иккинчисига кўчирилганида бу муомалаларнинг тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ва ҳисобда тўғри акс эттирилганлиги;
- ижарачилар томонидан сақланаётган воситалар учун ижара шартномаларининг мавжудлиги ва шартнома шартларининг бажарилиши;
- бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан ҳақиқий мавжуд асосий воситаларнинг сони тўғри келиши;
- асосий воситалар сақланиши бўйича ўтказилган инвентаризация ҳужжатларининг мавжудлиги;
- зарур ҳолларда сақланиш даражасини аниқлаш учун инвентаризация ўтказиш;
- асосий воситаларнинг сақланиши бўйича аудиторнинг фикр-мулоҳазалари бўлиши;
- асосий воситалар бошқа хўжаликларга, шахсларга фойдаланиш учун бепул берилмаслигини текшириш.

Асосий воситаларнинг миқдорий жиҳатдан бутлигини таъминлаш учун жавобгар шахслар доимий равишда инвентаризациядан ўтказишади.

Инвентаризациянинг мақсади корхона асосий воситаларининг ҳақиқатда борлигини ва сифат ҳолатини аниқлаш, техник ҳужжатлар (транспорт, тавсифнома, лойиҳалар)ни текшириш ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ойдинлаштиришдан иборат.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда асосий воситаларни инвентаризация қилиш «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли 19-сон БҲМС ва «Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМСга асосланади.

«Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низом»га мувофиқ, асосий воситалар инвентаризацияси бир йилда камида бир марта йиллик ҳисобот тузишдан олдин ўтказилади.

Қуйидаги ҳолларда асосий воситалар инвентаризацияси муқаррар ўтказилади:

- ❖ Асосий воситалар объектлари ижарага берилганида ёки давлат тасарруфидан чиқарилганида;
- ❖ Йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузишдан олдин;
- ❖ Моддий жавобгар шахс алмашганида;
- ❖ Ўғирлик ва суиъстеъмомлик ҳоллари аниқланганида;
- ❖ Ёнғин ёки бошқа табиий офатлар юз берганида;
- ❖ Асосий воситалар қайта баҳоланганида;
- ❖ Корхона тугатилган ёки қайта ташкил этилганида.

19-сон БҲМСга асосан асосий воситалар инвентаризациясини ўтказишдан олдин қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- ❖ Инвентарь карточкалар, инвентарь варақаларнинг мавжудлиги ва ҳолатини;
- ❖ Техник паспортлар ва бошқа техник ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ҳолати;
- ❖ Корхонага ижара асосида, сақлашга ёки вақтинча фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳолати.¹

Инвентаризацияни корхона раҳбари буйруғи билан тайинланган комиссия ўтказди. Комиссиянинг вазифаси асосий воситаларни сақлаш ва ундан тўғри фойдаланишни текширишдан иборат. Комиссия корхонага керак бўлмаган асосий воситаларни аниқлаши ҳамда улар бўйича алоҳида рўйхат тузиши керак. Инвентаризация якунлари бўйича инвентаризация рўйхати тузилади. Рўйхат моддий жавобгар шахс ва комиссия томонидан имзоланади ва бухгалтерияга топширилади.

Асосий воситаларни инвентаризация қилиш натижасида аниқланган ҳақиқий мавжуд мулк ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги тафовутлар қуйидагича акс эттирилади:

Масалан, «Трест 12» ОАЖда ҳисобот йилида бошланғич қиймати 200000 сўмлик жиҳоз камомати аниқланди. Жиҳозга ҳисобланган эскириш

¹ «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» номли 19-сон БҲМС.

150000 сўм. Жихоз айбдор шахс топилмаганлиги сабабли давр харажатларига ўтказилди. Мазкур муомалаларга ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

- Бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 200000 сўм

К-т 0130-«Машина ва жихозлар» - 200000 сўм.

- эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230-«Машина ва жихозлар эскириши» - 150000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 150000 сўм.

камомад суммаси қимматликларнинг меъёрдан ортиқча табиий йўқолишидан кўрилган талофатларни ҳисобга олиш ҳисобварағига ўтказилди $(200000-150000)=50000$ сўм;

Д-т 5910-«Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар» - 50000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 50000 сўм.

- Агарда айбдор шахс аниқланмаса камомад суммаси давр харажатлари таркибида акс эттирилади – 50000 сўм:

Д-т 9430-«Бошқа операцион харажатлар» - 50000 сўм

К-т 5910-«Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар» - 50000 сўм.

Агарда асосий воситалар камомади бўйича айбдор шахс аниқланса, камомад суммаси айбдор шахсдан ундирилади.

Мисол учун, «Трест 12» ОАЖ ҳисобот йилида бошланғич қиймати 60000 сўмлик жихоз камомади аниқланди. Жихозга ҳисобланган эскириш 25000 сўм. Жихоз қиймати айбдор шахсдан икки ҳисса қилиб ундирилди. Ушбу муомалаларга ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

- ◆ Бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 60000 сўм

К-т 0130-«Машина ва жиҳозлар» - 60000 сўм.

◆ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230-«Машина ва жиҳозлар эскириши» - 25000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 25000 сўм.

◆ камомад суммаси қимматликларнинг меъёрдан ортиқча табиий йўқолишидан кўрилган талофатларни ҳисобга олиш ҳисобварағига ўтказилди 35000 сўм;

Д-т 5910-«Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар» - 35000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 35000 сўм.

◆ камомад суммасини бир юз эллик фоиз миқдорда қилиб ундириш асосида моддий жавобгар шахс зиммасига ўтказилди $(60000-25000)*1,5=52500$ сўм;

Д-т 4730-«Ўтказилган моддий зарарни қоплашда ходимларнинг қарзи» - 52500 сўм

К-т 5910-«Камомадлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар» - 35000 сўм

К-т 9310-«Асосий воситаларнинг сотилишидан олинган фойда» - 17500 сўм.

Асосий воситаларни инвентаризация қилиш натижасида ортиқча мол-мулк мавжудлиги аниқланса, у молиявий натижаларга кирим қилинади:

Д-т Асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

К-т 9390-«Бошқа операцион даромадлар».

Асосий воситаларни ишлаб чиқаришда фойдаланишни текширганда қуйидагиларга эътибор берилади:

- Хўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган асосий воситалардан фойдаланилаётганлик даражасини, фонд қайтимидаги йиллар давомидаги

даражасини, фонд қайтимларини орттириш бўйича кўрилган чоратadbирларнинг мавжудлигини, асосий воситалардан фойдаланиш доимийлиги таъминланганлигини, асосий воситаларнинг ишлатилмай тўхтаб қолиш ҳолларини қисқартириш ва бошқалар;

- Хўжалик юритувчи субъектларга қабул қилинган янги асосий воситаларнинг ишлаб чиқаришга жалб қилиниш даражасини, яъни қабул қилинган асосий восита омборларда қолиб кетмасдан тезроқ ишлаб чиқаришга қўлланилиши ва натижада, хўжалик юритувчи субъектдаги воситадан фойдаланиш коэффициентининг меъёрларга тўғри келишини таъминланаётганлиги;

- ўрнатилмаётган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ускуналарининг туриб қолиш сабаблари, уларни тезроқ ишлаб чиқаришга жалб қилиш йўлларининг кўрилаётганлигини;

- Хўжалик юритувчи субъектда мавжуд асосий воситаларнинг ишлаб чиқаришдаги доимийлигини таъминлаш мақсадида қилинаётган таъмир ишларининг мақсадга мувофиқлиги, таъмир ишлари тўғри расмийлаштирилиши, таъмир харажатларини тегишли харажат турларига тўғри олиб борилишини текширади;

- асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари смета (норматив) қийматларига тўғрилигини, асосий воситаларни ремонтдан қабул қилиш далолатномалари билан солиштирилади;

- пудрат усулида бажарилган таъмирлашнинг шартномага тўғри келиши, таъмирлаш корхонасининг берган кафолатига риоя қилинишини текширади.

Аёнки, хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалардан меҳнат қуроллари сифатида фойдаланадилар. Асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш жараёнларида истеъмол қилиниши амортизация ажратмалари суммаси миқдорида амалга оширилади. Аудиторлар асосий воситаларга ҳисобланган амортизацияни шу нуқтаи назарда текширадилар.

Амортизация суммалари хўжалик юритувчи субъектларда ҳар ой амортизация ҳисоблаш қайдномаси, ҳисобланган амортизация суммасини тақсимлаш қайдномасига мувофиқ бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши маблағлардан унумли мақсадларга мувофиқ ҳамда қонуний жиҳатдан фойдаланилиши текширилади.

Амортизация суммаларини ҳисоблашда асосий эътиборни улардан унумли фойдаланишга қаратиш лозим бўлади. Бунда корхонадаги асосий воситаларнинг ой бошидаги қолдиғи, ой давомида келиши, кетиши ва қолдиғига эътибор берилади.

Аудиторлар амортизация ажратмаларини текшираётганида асосий воситалар учун ҳисобланаётган эскириш суммаларининг тўғри ҳисобланаётганлигини алоҳида ўрганадилар. Аудит жараёнида асосий эътибор асосий воситалар бўйича режадаги амортизация суммасини, ҳақиқатан бажарилган иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланишига қаратилади.

Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашни текширишда асосий воситаларнинг хўжалик юритувчи субъектга кирими ва ҳисобдан чиқарилиши ҳисобга олинади. Амортизация ҳисоблаш қабул қилинган асосий воситалар учун ўша ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошланади, хўжаликдан чиққан асосий воситалар бўйича эса баланسدан чиқарилганидан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади. Агарда амортизация кам ҳисобланган бўлса, қўшимча ҳисобланади, агарда ошиқча ҳисобланган бўлса, унда «қизил сторно» ёзуви билан коррективировка қилинади. Бунда ҳам бир хил асосий воситалар учун амортизация ҳисоблаш қайдномаси тузилади.

Асосий воситалар таъмирини аудит қилишда олдиндан ўтказиладиган, жорий ва кейинги назорат шаклларида кенг фойдаланилади. Агарда асосий воситалар таъмирини аудит қилишда айрим камчилик ёки мулкни талон-тарож қилиш далиллари аниқланса, оралиқ далолатномалар тузилиб, ҳар бир

моддий жавобгар шахслар кўрсатилади. Аудитнинг умумий далолатномасида эса бундай далиллар умумлаштириб ёзилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар маълум муддат давомида фойдаланилгандан сўнг, улар эскириши натижасида ҳисобдан чиқарилади. Асосий воситаларни хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқарилишини аудит қилишдан асосий мақсад уларнинг тўла эскиришидан олдин ёки самарали фойдаланилмасдан аввал хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқариб юборилишини олдини олишдир. Шунинг учун ҳам назорат доимий ва йил давомида бир тартибда амалга оширилиши керак.

Асосий воситаларнинг хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқишини аудит қилганда асосий эътибор хўжалик муомаласи содир бўлишидан аввал ўтказиладиган назоратга қаратилиши лозим. Текширишда асосий воситаларнинг хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқишини расмийлаштирувчи комиссия бўлиши керак. Бундай ҳайъат хўжалик юритувчи субъектда раҳбарнинг буйруғи билан тузилади.

Асосий воситаларнинг хўжаликдан чиқишини текширганда жорий аудиторлик текшируви шаклидан кенг фойдаланилади. Бунда аудиторлар хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқарилаётган асосий воситаларнинг ҳар бир турининг техник жиҳатдан ҳақиқий ҳолида кўриши лозим. Аудитда асосий эътибор асосий восита қандай ҳолатда ва муддатда корхона балансидан чиқарилаётганига қаратилади. Шу боисдан ҳам аудиторлар асосий восита хўжаликдан чиқарилаётганида уларнинг техник паспортлари юритилишига, далолатнома тузилиши, тасдиқланишига катта аҳамият беришлари лозим.

Агарда асосий восита тўла эскирмасдан ёки ўзи бажарадиган иш ҳажмини бажармасдан балансдан чиқарилаётган бўлса, унинг сабаблари ўрганилади. Хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқарилаётган асосий воситага амортизация суммаларининг тўғри ҳисобланганлиги текширилади. Иморат ва иншоотларнинг эса элементларига эътибор берилади.

Хужжатли текширишда хўжаликдан чиқаётган асосий воситанинг ҳамма хужжатлари кўрилади, бунда комиссия тузилганлиги тўғрисидаги буйруқ ёки қарордан бошлаб, текширилаётган даврда балансдан чиқарилаётган ҳар бир асосий воситанинг техник ҳолати, фойдаланиш бўйича кўрсаткичлари, хўжаликдан чиқариш далолатномаси шаклига риоя қилиниши, далолатнома реквизитлари текширилади. Асосий восита корхонага келганидан то унинг чиқиб кетгунигача бўлган даврда фойдаланганлиги текширилади. Иморат ва иншоотлар корхона балансидан чиқарилганида, уларни бузишдан олинadиган инвентарь ва материалларнинг тўла қилинганлиги текширилади.

Асосий воситанинг хўжалик юритувчи субъект балансидан чиқарилганида юзага келадиган молиявий натижани текшириш ҳам аудитнинг муҳим элементларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда аудиторлар асосий воситанинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши бўйича молиявий натижанинг фойда ёки зарар суммалари бўйича ҳисобда акс эттирилганлиги текширилади.

Аудиторлик текшируви якунланганида аудиторлик ташкилоти томонидан миқдорга маълумотнома тақдим этилади.

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти учун маълумотнома – бу аудиторнинг миқдор корхона раҳбариятига хат кўринишида тузилган ҳисоботи бўлиб, унда ҳисоб ёзувларида, бухгалтерия ҳисоби ҳамда ички назорат тизимида йўл қўйилган камчиликлар ҳақидаги маълумотлар, бундай камчиликлар мавжуд бўлганда аудитор томонидан қўлланиладиган чора ҳамда бундай камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар баён этилади.

Миқдор раҳбариятига бериладиган маълумотномада асосий воситалар ҳисоби бўйича барча камчиликлар келтирилмаслиги мумкин. Бу ҳужжатда асосан аудиторлик текшируви давомида мавжуд бўлган камчиликлар келтириб ўтилади. Маълумотномани корхона раҳбариятига бериш мажбурий

эмас, аммо бу хужжатни тақдим қилиш орқали аудитор корхона раҳбариятига бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими, молиявий ҳисоботларда юз берадиган ўзгаришларни, асосий воситалар ҳисоби бўйича мавжуд хатоларни ўз вақтида тузатиш имкониятини беради. Маълумотномада келтириб ўтилган камчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига тўғри келмаслиги ҳамда ушбу камчиликларни бартараф этиш йўллари қайд этилади. Тавсияларнинг берилиши аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасининг мундарижасини ўзгартирмайди.

Раҳбарият учун бериладиган маълумотнома қисқа, аниқ ҳамда тушанарли бўлиши лозим.

Агарда маълумотлар алоҳида бўлимлар ёки ҳисоб объектлари бўйича эксперт ҳисоботи кўринишида бўлса, унда аудиторнинг имзоси қўйилмайди. Агарда аниқланган баъзи-бир камчилик ва нуқсонлар молиявий ҳисобот бўйича ижобий хулоса беришда иккиланиш ҳолати юзага келса, бундай вазиятда аудитор маълумотномага имзо чекади. Бу ахборот махфий ҳисобланиб, фақатгина корхона раҳбариятининг муайян гуруҳига тақдим этилади.

Асосий воситалар амортизация аудитининг энг охирги босқичида оралик далолатнома тузилади. Оралик далолатнома асосий воситалар ҳисобининг қай ҳолатда юритаётганлигига гувоҳлик берувчи хужжат ҳисобланади. Ушбу хужжат аудиторлик ҳисоботига таркибига қўшиб қўйилади.

II боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 2-бобида асосий воситалар амортизацияси аудитининг амалий жиҳатларига асосий эътибор қаратилди. Хусусан мазкур бобда асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг аудиторлик текширувининг методикаси кўриб ўтилди.

Аудитор томонидан текширув стратегиясини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Аудиторлик текшируви одатда ҳар доим муайян муддат билан чегараланган бўлади. Ана шу текширувлар туфайли йирик ва ўрта корхоналарда аудитор текшируви ҳар доим ҳам муваффақиятли чиқавермайди.

Шу боис, аудитор ҳар бир иқтисодий субъектнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда текширув стратегиясини аниқлаб олиши зарур. У қуйидагиларни ўз ичига олади.

Мижоз фаолияти ҳақида тўпланган ахборотни кўриб чиқиш;

Ички назорат таваккалчилиги ва самарадорлигига дастлабки баҳо бериш;

Алоҳида операциялар гуруҳлари текширувининг моҳияти ва давомийлигини аниқлашдан иборат.

Корхоналарда асосий воситалар амортизацияси аудитини ташкил этиш, режалаштириш ва сифатли аудиторлик хизматидан фойдаланиш учун аудиторлик фирмалари фаолияти ва аудиторлар малакасини аниқлашда ва уларни танлашда юқоридаги таклифлардан фойдаланиш ижобий натижаларга эришишга олиб келади.

III боб. Асосий воситалар амортизацияси аудитини такомиллаштириш ва ривожлантириш истикболлари

3.1. Асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказиш жараёнини такомиллаштириш истикболлари

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида муҳим ўрин тутувчи хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари бўлиб ҳисобланади. Улар ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда ноишлаб чиқариш жараёнларида кенг фойдаланилади.

Асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказиш мобайнида ички назоратининг ҳолати ўрганилиб, баҳоланади. Хўжалик юритувчи субъект ички назоратининг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси;
- аудиторлик текшируви мобайнида аниқланган ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига жиддий номувофиқликлари баёни.¹

Аудитор асосий воситалар ҳисоби бўйича ички назорат тизимининг ишончлилигини ва текшириш ўтказишда унга таяниш мумкинлиги ҳақида асосли қарор қабул қилиш учун бу тизимни ўрганади. Назорат тизимининг ишончлилиги, унинг ҳисоб юритишда муайян шахслар қасддан қилиши мумкин бўлган, шунингдек тасодифий йўл қўйиладиган хатоларнинг олдини олиш ва аниқлаш лаёқатидан иборат.

Мижоз корхона раҳбариятининг назоратга муносабати назорат муҳитига энг катта таъсир кўрсатади. Бошқарувнинг юқори поғонаси хизматчиларнинг назоратга муносабатини белгилайди. Бошқарув муҳити юқори даражадаги ички коммуникация тизимини таъминлайдиган, Кузатув Кенгаши ҳузуридаги аудит фаолиятининг самарали ишлашига ёрдам

¹«Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси» 70-сон АФМСнинг 10-банди


берадиган, бюджетлар тизими яъни бизнес-режа ёки смета ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлардан фойдаланадиган, ички аудитнинг самарадорлигини таъминлайдиган бошқарув тизими билан тавсифланади. Назорат муҳити корхона ходимларининг компетентлиги, хизмат вазифаларининг тақсимланиши, активлар, ҳужжатларни олиш имкони ва ҳисоб ёзувларини вақти-вақти билан таққослаб туриш билан аниқланади. Назорат функцияларини амалга оширувчи ходимлар компетентлиги корхона ички назорат тизимининг асосий белгиси ҳисобланади. Корхонанинг кадрлар билан боғлиқ муаммолари ички назорат тизимига салбий таъсир кўрсатади. Агар бухгалтерлар тез-тез алмаштириб турилса, бу ҳисоб ва назорат функциялари етарли тажрибага эга бўлмаган ва бунинг оқибатида кўплаб хатоларга йўл қўядиган мутахассислар томонидан бажарилишига олиб келади. Янги раҳбарлар ва мансабдор шахслар корхонадаги ҳисоб тизими билан етарли даражада таниш бўлмаслиги мумкин. Айрим ҳолларда бухгалтерия ходимлари юқори бошқарув бўғини томонидан топширилган ноқонуний ҳисоб амалларини бажаришни хоҳламаганликлари учун ҳам ишдан бўшаб кетадилар. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ходимларининг тез-тез алмаштирилиб туриши салбий ҳолат деб баҳоланади.

Ички назорат тизими самарали бўлиши учун функционал масъулиятлар ёки хизмат вазифаларининг етарли даражада тақсимланиши жуда муҳимдир. Назорат амаллари самарадорлиги 3– чизмада баён этилган.

Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини умумий ўрганиш натижалари бўйича ички назорат тизимига таяниши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилса, бу ҳолда у ички назорат тизимининг ишончлилигини дастлабки баҳолашни амалга оширади.

Аудиторлик ташкилоти ички назорат тизими ҳолатини аниқлаш натижалари бўйича ушбу тизимнинг ишончлилигини тасдиқлаши лозим. Ички назорат тизимини баҳолашнинг ишончлилигини тасдиқлашда аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолияти миллий стандартлари

талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган усуллар ёрдамида унинг ишончлилигини тасдиқлайди.



3- чизма. Назорат амаллари самарадорлигини белгиловчи мезонлар¹.


Маълумки Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандартлари аудитнинг халқаро стандартлари асосида тузилишни эътиборга оладиган бўлсак юқорида келтирилган стандартларни кўпчилиги миллий стандартимизда ҳам учрайди. Лекин иловага эътибор берадиган бўлсак, халқаро аудиторлик стандартларига 2004 йилда кўпгина ўзгартиришлар

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

киритилган, ваҳоланки бизнинг миллий стандартларимизнинг асосий қисми 1999-2003 йилларда тузилиб, амалиётга жорий этилган. Бизнинг фикримизча миллий стандартларимизни аудитнинг халқаро стандартлари асосида қайта кўриб чиқиш лозим деб ўйлаймиз.

Халқаро амалиётда ички назорат тизимини ўрганишда янги қабул қилинган №315 “Субъект ва уни муҳитини тушуниш, муҳим хатоликлар рискинни баҳолаш” деб оманувчи ХАСда келтирилиб ўтилиб, бизнинг №12 аудитнинг миллий стандартидан фарқ қилади.

Аудитор ички назорат тизими бўйича билимларини мавжуд хато турларини аниқлашда, муҳим хатоликлар рискига таъсир этувчи омилларни ўрганишда ва аудиторлик амалларини хусусияти, муддати ва кўламинини белгилашда қўллайди. №315 АХСга асосан ички назорат қуйидаги таркибий қисмлардан иборат (4-чизма).



4-чизма. Ички назоратни таркибий қисмлари¹.


Бизнинг фикримизча ички назоратни беш таркибий қисмга бўлиниши ижобий холи шундаки, субъектнинг турли ички назорат аспектлари аудит жараёнига қандай таъсир этиши ўрганилади. Аудитор асосий эътиборни назоратнинг айрим турлари қай тарзда маълум

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

операциялар синфини, молиявий ҳисобот моддаларини очиб бериш ва салдо счетлардаги муҳим хатоликларни ва уларни тасдиқлаш билан боғлиқ муҳим хатоликларни олди олинаётганлигига, аниқланаётганлигига, ва тўғирланаётганлигига қаратади.

Шуни таъкидлаш лозимки, аудитор ушбу ички назоратни таркибий қисмларини хўжалик юритувчи субъектларда ўрганиш давомида муҳим хатоликлар рискени баҳолашда уларни биргаликда ёки алоҳида ўрганиш масаласи ўзининг профессионаллик мулоҳазасидан келиб чиқади.

Асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказишда таҳлилий амаллардан фойдаланиш кўпгина афзалликларга эга. Чунки, асосий воситалар амортизацияси аудити 4 та асосий таянч нуқтага эга. Шу таянч нуқтанинг бирини таҳлилий амаллар ташкил этади. Буни ушбу чизмадан кўришимиз мумкин:



5-чизма. Асосий воситалар амортизацияси аудити¹.

- 1- Асосий воситалар амортизацияси аудитида муҳимлилик даражаси;
- 2- Асосий воситалар амортизацияси аудити бўйича далиллар тўплаш;
- 3- Асосий воситалар амортизацияси аудитининг таваккалчилик даражаси;
- 4- Асосий воситалар амортизацияси аудитида таҳлилий амаллардан фойдаланиш.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шундай экан, таҳлилий амаллар асосий воситалар амортизацияси аудитида муҳим аҳамият касб этади ва бу соҳани ўрганиш асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказишда ўз самарадорлигини яққол акс эттиришини куйида келтирилган фикрларда кўришимиз мумкин.

№13-АФМС “Таҳлилий амаллар” номли ва халқаро аудиторлик стандартларида аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни қўллашда жуда муҳимлиги кўрсатилган.

Асосий воситалар амортизацияси аудитида таҳлилий амалларни қўллашнинг мақсади:

- асосий воситалар амортизацияси жараёнида ғайриоддий ёки нотўғри акс эттирилган фактлар ва натижаларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш;
- асосий воситалар амортизациясини яқиндан ўрганиш;
- асосий воситалар амортизациясида чалкашлик фактларини аниқлаш;
- асосий воситалар амортизацияси аудити олиб борилаётганда аудиторлик амаллари сонини қисқартириш;
- асосий воситалар амортизацияси бўйича юзага келган саволларга жавоб олиш мақсадида тест синовидан ўтказишни таъминлаш.

Хуллас, асосий воситалар амортизацияси аудитида таҳлилий амаллар асосий воситаларга амортизацияси ҳисоблашда содир бўлган муҳим ўзгаришларни аниқлашда қўл келади. Бу ўзгаришлар аудитор томонидан тузилган аудит режасида албатта инобатга олиниши керак. Шунингдек, аудиторлик текширувининг асосий ҳамда якуний босқичларида ҳам таҳлилий амаллардан кенг фойдаланиш орқали текширув самараси ошишига, вақт тежалишига олиб келиши шубҳасиздир.

3.2. Асосий воситалар амортизацияси аудитини ўтказишда таҳлилий жиҳатлар ҳамда уларни ривожлантириш истикболлари

Мулкчилик тизимининг турли шаклларида асосланган иқтисодиёт бозор механизмларининг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Унинг субъектлари бўлган корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар мулкнинг эгаси ва тасарруф этувчиси сифатида уни тўғри бошқаришдан манфаатдордир. Бу эса, албатта, содир бўлаётган хўжалик жараёнлари ва ҳодисаларни даврий кузатишни, фаолият натижавийлигини батафсил ўрганишни, иқтисодий таҳлил қилишни талаб этади.

Таҳлилнинг асосий мақсади – молиявий фаолиятдаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, маблағлардан янада тўғри фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тартибини мустаҳкамлашга қаратилади.¹ Бу эса, албатта, кўп жihatдан корхона асосий воситаларидан самарали фойдаланиш уни ҳисобини тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитида асосий воситалар ҳаракатини таҳлил қилишнинг аҳамияти мулкчиликнинг барча шаклларида иш юритаётган корхоналар учун бекиёсдир, зеро асосий воситалар ҳаракати, корхонанинг бу турдаги маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида тўла-тўқис маълумотларга эга бўлмасдан, ишлаб чиқаришни илмий жиҳатдан ва самарали бошқариш асло мумкин эмас.

Республикамизда бозор муносабатларининг қарор топиши, хўжалик юритишнинг замонавий шаклларининг жорий қилиниши корхона ва фирмаларда маблағ топишнинг илғор шаклларини қидириб топишни, йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Корхона ва фирмаларда ишлаб чиқариш фаолиятининг бир меъёрда давом этишини таъминлаш мақсадида асосий воситаларни узоқ ва қисқа муддатли ижарага олиш, яъни лизинг муносабатлари юзага келмоқда. Бу каби ўзгаришлар иқтисодий таҳлилда янги объектлар юзага келганлигини ифодаламақда. Иқтисодий таҳлилда лизинг муомалаларини, лизинг тўловлари келиб тушишини, лизинг муомалалари даромадлилигини аниқлаш долзарб бўлиб бормоқда.

¹ А. Ваҳобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил: Дарслик.-Т.: «Шарқ» 2002й., 8-б.

Асосий воситалар таҳлилига эътиборнинг кучайиб бораётганлигининг яна бир жиҳати шундаки, ҳозирги кунда асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда жадаллаштирилган амортизациянинг қўлланиши ҳам сабаб бўлмоқда. Жадаллаштирилган амортизацияни таҳлил қилишда асосий эътибор ушбу усулларни қўллаш орқали корхонанинг ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг таннари ўзгаришига таъсири бор ёки йўқлигига, солиққа тортишнинг таъсирига баҳо берилади.

Шу жиҳатдан асосий воситаларнинг ҳаракати, корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлиги, асосий воситалар қай даражада самарали ишлаётганлиги ўрганишдаги муҳим вазифалар белгиланади.

Таҳлил олдида бу борада қуйидаги вазифалар туради:

- корхонада мавжуд асосий воситаларнинг ҳолатини баҳолаш;
- корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлик даражасига баҳо бериш;
- асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни белгилаш, шу асосда асосий воситаларнинг рентабеллик даражасини, фонд қайтими ва фонд сиғими даражаларини аниқлаш;
- ижарага олинган асосий воситаларнинг ҳолатини, ҳаракатини ва самарадорлигини таҳлил қилиш;
- корхона асосий воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадида керакли хулосалар бериш.

Бу каби вазифаларни ҳал этишда иқтисодий таҳлилнинг кўпгина усулларидан фойдаланилади.

Таҳлил қилишда оддий ва математик усуллари қўлланилиб, улар орқали асосий воситалар қийматининг ўзгаришига баҳо берилади. Оддий усуллар таркибидаги таққослаш, гуруҳлаш, мутлақ фарқлар, нисбий фарқлар, занжирли боғланиш ҳамда интеграл усуллар кенг қўлланилади.

Асосий воситалар бўйича маълумотлар ўзининг гуруҳлаш белгиси бўйича турлича таркибланган ҳолда ўрганилади. Бу эса кўрсаткичларнинг

ўзаро бир-бирига нисбатан қиёсий ўзгаришларини, уларнинг сабабларини аниқлаш, баҳолаш имконини беради.

Мутлақ ва нисбий фарқлар усуллари қўлланилганида асосий восита қийматининг ҳақиқатда режага нисбатан ўзгариши, ҳисобот йилида ўтган йилларга нисбатан ўзгаришига баҳо берилади.

Интеграл усули ҳам омилли таҳлил қилишда кенг қўлланилади. Бу усул қўлланилганда асосий воситаларнинг ҳар қайси турининг жами асосий воситалардаги, шу билан бирга жами корхона маблағларидаги салмоғи аниқланиб, уларнинг тутган ўрнига баҳо берилади.

Асосий воситалар таҳлилида оддий усуллардан ташқари илғор математик статистик усуллар ҳам қўлланилади, бу усуллар орқали асосий воситалар ҳолати, ҳаракати, самарадорлиги тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотлар олишга имконият туғилади.

Асосий воситалар динамикаси, уларнинг таъминланганлиги, шунингдек, самарадорлиги таҳлилида асосий эътибор корхонада асосий воситаларнинг техник ҳолати қай даражада эканлигига, корхонанинг асосий воситалар билан қуролланиш даражасига, самарадорлик кўрсаткичларига, динамикасига қаратилади.

Асосий воситаларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига асосий воситаларнинг умумий маблағдаги ҳиссаси, асосий воситалар фаол қисмининг умумий асосий воситалардаги улуши, асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти, асосий воситаларнинг янгиланиш коэффиценти, асосий воситаларнинг яроқлилиқ коэффиценти, асосий воситаларнинг чиқиб кетиш коэффиценти ва бошқалар киради.

Асосий воситалар билан таъминланиш дейилганда корхонанинг режага ёки ўтган йилларга нисбатан асосий воситалар билан қуролланиш даражаси тушунилади.

Шунингдек, асосий воситаларнинг таркиби, тури бўйича ўзгаришларига баҳо берилади. Таҳлил этишда асосий воситаларнинг ҳолат ва

ҳаракат кўрсаткичларига ҳам муҳим эътибор қаратилади. Бу орқали бевосита асосий воситаларнинг эскириш ва яроқлилик даражаси, кирим-чиқим кўрсаткичларига баҳо берилади.

Асосий воситаларининг унумини ўрганиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг самарадорлик кўрсаткичларига баҳо берилади. Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичларининг омилли таҳлили асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ёки фондлар самараси юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ўрганилади ва таҳлил якунида корхонада асосий воситалардан фойдаланишга ва уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан муҳим иқтисодий йўналишлар белгиланади. Корхона асосий воситалари, уларнинг ҳолати, ҳаракати ва самарасига иқтисодий ташхис берилади. Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар бухгалтерия балансидан ва молиявий ҳисоботга илова сифатида берилган манбалардан олинади. Шунингдек, асосий воситалар (0110-0199), уларнинг эскириши (0210-0299), узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар (0310) ҳисобварақлари маълумотларидан фойдаланилади.

Асосий воситалар ҳолати ва ҳаракатини таҳлил қилишда, энг аввало, асосий воситалар таркиби, тузилиши ва динамикасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

6-жадвал

«Трест 12» ОАЖда асосий воситалар таркиби, тузилиши ва ўзгаришининг таҳлили¹

Кўрсаткичлар	2012 йил бошига	2013 йил охирига	Фарқи (+;-)
	минг сўм	Минг сўм	Минг сўм
1. Ишлаб чиқариш асосий воситалари	3277580	3504550	226970
2. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари	148654	159125	10471
Жами асосий воситалар	3426234	3663675	237441

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада жами асосий воситалар қиймати йил охирида йил бошига нисбатан 237441 минг сўмга

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кўпайган. Ушбу кўпайиш деярли ишлаб чиқариш асосий воситаларининг кўпайиши ҳисобига рўй берган.

Корхонада мавжуд бўлган ноишлаб чиқариш асосий воситалари қиймати йил охирида йил бошига нисбатан 10471 минг сўмга кўпайган.

Иқтисодий таҳлилда асосий воситаларнинг таркибига баҳо берганда, аввало, унинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий воситаларига бўлинишига чуқур эътибор қаратади. Ишлаб чиқариш асосий воситалари корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажаришда бевосита иштирок этадиган асосий воситалардир. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари корхонада бевосита ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлмаган ҳолда, корхона хўжалик фаолиятининг узлуксизлигини таъминлашда билвосита иштирок этади. Йил охирида жами асосий воситалар таркибида ишлаб чиқариш асосий воситаларининг улуши 95,66 фоизга тенг бўлган бўлса, ноишлаб чиқариш асосий воситаларининг улуши 4.34 фоизга тенг бўлган.

Асосий воситаларнинг динамикаси деганда уларнинг йиллар бўйича ўзгаришлари тушунилади. Динамик ўзгаришлар асосида корхонада асосий воситаларнинг йиллар бўйича мутлақ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади. Шу билан биргаликда корхонада асосий воситаларнинг бажарадиган вазифаларига кўра турларини таҳлил қилиш ҳам долзарб ҳисобланади.

7-жадвал

«Трест 12» ОАЖда асосий воситалар таркибининг таҳлили, минг сўмда¹

Кўрсаткичлар	2012 йил бошига	2013 йил охирига	Ўзгариши
1. Бинолар	1745407	1841100	95693
2. Иншоотлар	535227	640623	105396
3. Узатувчи мосламалар	39767	41167	1400
4. Машина ва жиҳозлар	735125	891309	156184
5. Транспорт воситалари	251422	269896	18474
6. Инструментлар	12324	13684	1360
7. Инвентарлар	61957	61957	-
8. Бошқа асосий воситалар	45005	45005	-
Жами асосий воситалар	3426234	3663675	378507

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада жами асосий воситалар қиймати йил охирида йил бошига нисбатан 378507 минг сўмга кўпайган. Бу кўпайиш машина ва жиҳозлар ҳамда бошқа асосий воситалар қийматининг ўзгариши билан боғлиқ. Аммо бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари бўйича ўзгариш камайиш томонга бўлганлиги кузатилган.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси;
- асосий воситаларнинг эскириш даражаси.

Яроқлилик даражаси асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини уларнинг бошланғич қийматига бўлиш орқали аниқланади. Эскириш даражаси эса асосий воситаларнинг эскириш қийматини уларнинг бошланғич қийматига бўлиш асосида аниқланади. Яроқлилик ва эскириш коэффициентлари йиғиндиси коэффициентда 1 га, фоизда 100 га тенг бўлади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларига қараб, уларнинг техник ҳолатига баҳо берилади ва уларни тартиблаш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинади. Асосий воситаларнинг ҳолатини ўрганишда корхона амортизация сиёсатига, асосий воситаларнинг маънавий эскирганлик даражасига, фойдаланишдан олиб қўйилган асосий воситалар ҳолатига муҳим эътибор қаратилади. Асосий воситаларнинг ҳолатини кўрсаткичларини уларнинг ҳар бир тури ва жами бўйича ўрганилади.

8-жадвал

«Трест 12» ОАЖда асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси таҳлили, минг сўмда¹

Кўрсаткичлар	Фойдаланишга топширилган асосий воситалар	Жами асосий воситаларнинг йил охиридаги қиймати	Асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси
ўтган йил (2012 йил) жами асосий воситалар	308361	3426234	0,090
- ишлаб чиқариш асосий воситалари	2821381	3319272	0,085
ҳисобот йил (2013 йил) жами асосий воситалар	377359	3663675	0,103
- ишлаб чиқариш асосий воситалари	348558	3556713	0,098

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада ўтган йили фойдаланишга 308361 минг сўмлик асосий восита топширилган. Натижада корхонада асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси 0,090 га тенг бўлган.

Ҳисобот йилида корхонада 377359 минг сўмлик асосий восита фойдаланишга топширилган, натижада асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси 0.103 га тенг бўлган.

Асосий воситалар янгиланиш коэффициентининг ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан +0,013 га кўпайишини ижобий баҳолашимиз мумкин.

Таҳлилда асосий воситаларнинг янгиланиш ва чиқиб кетиш сабабларига ҳам муҳим эътибор қаратилади. Асосий воситаларнинг янгиланиш манбалари:

- капитал қўйилмалар ва инвестициялар;
- хусусий капиталнинг ўсиши;
- узоқ муддатли кредит ва қарзлар;

Асосий воситаларнинг техник ҳолати ишлаб чиқаришга яроқлилик ҳолатини таҳлил этиш орқали баҳоланади. Асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси қолдиқ қийматнинг ҳажмига боғлиқ.

9-жадвал

«Трест 12» ОАЖда асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси таҳлили, минг сўмда¹

Кўрсаткичлар	2013 йил бошига	2013 йил охирига
1. Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати	3426234	3663675
2. Асосий воситаларнинг эскириш даражаси	1189665	1272109
3. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	2236569	2391566
4. Асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси	0,66	0,64

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада асосий воситаларнинг яроқлилик коэффициенти йил бошида 0,66 га, йил охирида эса 0,64 га тенг бўлган. Асосий воситалар яроқлилик коэффициенти йил

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

охирода йил бошига нисбатан $-0,02$ га камайишига асосий сабаб, асосий воситалар қолдиқ қийматининг йил охирида йил бошига нисбатан -82444 ($1272109-1189665$) минг сўмга камайишидир. Асосий воситалар яроқлилик коэффицентининг камайиши корхона фаолияти учун салбий ҳолат ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг техник ҳолатини ўрганишда уларнинг эскириш даражаси ҳам таҳлил этилади. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш сабаблари қуйидагича:

- маънавий эскириши;
- жисмоний эскириши ва фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келиши;
- ортиқчалик;
- сотишлар;
- ўғирликлар, йўқотишлар ва бошқа сабаблар.

10-жадвал

«Трест 12» ОАЖда асосий воситаларнинг эскириши даражасининг таҳлили, минг сўмда¹

Кўрсаткичлар	Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати	Асосий воситаларнинг эскириш даражаси
2013 йил бошига	1189665	3426234	0,35
2013 йил охирига	1272109	3663675	0,36

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада асосий воситаларнинг эскириш даражаси йил бошида $0,35$ га, йил охирида эса $0,36$ га тенг бўлган. Асосий воситалар эскириши даражасининг йил охирида йил бошига нисбатан $+0,01$ га ортишига асосий сабаб, корхонада асосий воситаларга ҳисобланган эскиришнинг йил охирида йил бошига нисбатан $+82444$ ($1272109-1189665$) минг сўмга ошганлигидир.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Асосий воситалар эскириш даражасининг йил охирига келиб 0,01 га кўпайиши корхона фаолияти учун салбий ҳолат ҳисобланади. Эскириш даражасининг бундай миқдорга тенг бўлиши кейинчалик корхона асосий воситаларининг яроқсиз ҳолга келтириши мумкинлигини билдиради.

Асосий воситалар таҳлилини самарали ташкил қилишда асосий воситалар билан таъминланганлик ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичларига баҳо берилади. Ушбу кўрсаткичлар бевосита корхонада асосий воситалар билан таъминланганлик даражасини, шунингдек, улардан қай даражада самарали фойдаланилаётганлигини ифодалайди.

Корхона (фирма)нинг асосий воситалар билан таъминланганлик ёки қуролланганлик даражаси деб, ишлаб чиқаришнинг меъёр даражасида меҳнат воситалари билан таъминланганлигига айтилади.

Аввало, корхонанинг меҳнат воситалари билан таъминланганлигида қуйидаги жиҳатларни фарқлаш лозим:

- ўзига тегишли бўлган меҳнат воситалари ҳисобига таъминлаш;
- ижарага олинган меҳнат воситалари ҳисобига таъминлаш.

Демак, корхонада ҳар иккала ҳолатда ҳам асосий воситалар билан таъминланганликнинг меъёрий кўрсаткичларига эга бўлиши мумкин.

Асосий воситалар билан таъминланганлик таҳлилида корхонада асосий воситаларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан мутлақ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади.

Асосий воситалар билан қуролланганлик кўрсаткичлари сифатида битта ишчига тўғри келадиган меҳнат воситалари, иш ўрни, майдонининг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси аниқланади. Асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосида тўлдирилади. Корхона фаолиятига фақат миқдор кўрсаткичлар орқалигина эмас, балки сифат кўрсаткичларини ҳам ўрганиш асосида баҳо берилади.

Корхонада ва ташкилотларда асосий воситалар билан қуролланганлик ва таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилишда бухгалтерия баланси ва меҳнат ҳисоботи маълумотларидан кенг фойдаланилади.

11-жадвал

«Трест 12» ОАЖда асосий воситалар билан таъминланганлик ва қуролланганлик таҳлили¹

Кўрсаткичлар	Ўтган йил (2012 йил)	Ҳисобот йил (2013 йил)	Фарқи +,-
1. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	3416134	3436134	+20000
2. Ишлаб чиқариш ходимлари, киши	1208	1224	+16
3. Ўз маблағлари қиймати, минг сўм	2029289	1967410	-61879
4. Асосий воситаларнинг фаол қисми, минг сўм	3456254	3515719	+39465
5. Ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси, сўм (4/2)	2861	2872	+11
6. Ўз маблағларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги, сўм (1/3)	1,68	1,75	+0,07

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 11 сўмга кўпайган. Асосий воситалар билан қуролланганлик даражасининг бунча миқдорга кўпайишига асосий сабаб, бу асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 20000 минг сўмга ошганлигидир.

Шунингдек, бу кўрсаткичнинг ўзгаришига ходимлар сонининг ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан +16 кишига кўпайиши ҳам таъсир қилган.

Корхонада асосий воситалар билан таъминланганлик даражаси ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан +0,07 сўмга кўпайган. Асосий воситалар билан таъминланганлик даражасининг кўпайишига асосий сабаб асосий

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан +20000 минг сўмга кўпайганлигидир.

Шунингдек, бу кўрсаткичнинг кўпайишига ўз маблағлари қийматининг ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан -61879 минг сўмга камайганлиги ҳам ўз таъсирини ўтказган. Асосий воситалардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигига баҳо бериш иқтисодий таҳлилнинг зарур шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари корхона хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида олинади. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва унинг ҳолатига баҳо беришга иқтисодий таҳлилда алоҳида аҳамият берилади. Корхона ишлаб чиқариш қуввати деганда унинг тўла иш билан бандлик ҳолатига айтилади. Бу ҳолат нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига, балки унинг харажатлари таркибига, молиявий натижавийлигига ҳам таъсир этувчи бирлик сифатида қаралади. Ишлаб чиқариш қувватлари ва унинг фойдаланиш даражаларига баҳо бериш асосида корхонанинг жорий даврдаги иқтисодий потенциали ҳамда унинг мақсадли бошқаруви белгиланади.

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар гуруҳига асосий воситаларнинг рентабеллиги, асосий воситаларнинг қайтими ва асосий воситаларнинг сиғими кўрсаткичлари киради. Ушбу кўрсаткичлар корхона ва фирмаларда асосий воситалардан қай даражада самарали фойдаланилаётганлигига баҳо берилади.

Асосий воситалар молиявий таҳлилнинг муҳим объекти ҳисобланади. Молиявий таҳлилнинг асосий мақсади фойдаланувчилар учун ишончли ва объектив маълумотларни ошкор қилиши лозим эканлигини инобатга оладиган бўлсак, асосий воситалар таҳлили ҳам мана шу талабга жавоб бера олиши лозим. Мулкдорлар, инвесторлар ўзлари корхона уставига киритган асосий воситаларининг ҳолати ва ҳаракати, уларнинг самарадорлиги ҳақидаги маълумотларга қизиқади.

Ушбу мақсадни инобатга олган ҳолда асосий воситалар таҳлилида асосий эътибор уларнинг рентабеллик даражасига қаратилиши лозим. Асосий воситалар рентабеллигининг ҳозирги кунда фақатгина битта тури амал қилади. Бизнинг фикримизча, асосий воситалар эскиришининг рентабеллигини ҳам амалда қўллаш лозим. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш лозим:

Соф фойда

AB эскиришининг рентабеллиги=-----

AB эскириш қиймати

Асосий воситалар эскиришининг рентабеллигини амалда қўллаш корхоналарда бу турдаги активларни ўз вақтида янгисига алмаштириш хусусида маълумот беришга имкон яратади.

Таҳлилда асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар иккита таркиб бўйича ўрганилади:

1. Асосий воситаларнинг самарадорлиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили.
2. Асосий воситалар ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларининг маҳсулот ҳажми ўзгаришига таъсири таҳлили.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар каторига қуйидагилар киради:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг ўзгариши;
- асосий воситалар ўртача йиллик қийматининг ўзгариши.

Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи меҳнат воситалари билан боғлиқ омиллар каторига қуйидагилар киритилади:

- асосий воситалар ўртача йиллик қийматининг ўзгариши;
- фонд қайтими (сиғими)нинг ўзгариши.

Молиявий ҳисобот маълумотлари бўйича асосий воситаларда самарали фойдаланганлик ҳолатини таҳлил қилиш учун маҳсулот ҳажмини белгиловчи

муҳим кўрсаткич, сотишдан олинган соф тушумни олиш мумкин. Бунда сотишдан олинган соф тушумни асосий воситаларнинг қийматига бўлиш йўли билан фонд қайтими кўрсаткичи таҳлил қилинади.

Ҳозирги кунда республикамиз корхоналарида асосий воситалар билан таъминланганлик ва улардан самарали фойдаланишнинг таҳлили яхши йўлга қўйилмаган. Таҳлилнинг бу объектига баҳо беришда бугунги кунда асосий эътибор уларнинг динамик ўзгаришларига қаратилмоқда. Бу эса корхонада фойдаланилаётган қайси асосий воситанинг самарадорлиги яхши эканлигига жавоб топиб беришда нўноқлик қилмоқда. Бизнинг фикримизча, асосий воситалардан самарали фойдаланишнинг таҳлилида статистик кўрсаткичлар ва индекслар қаторини, шунингдек, илғор хорижий усулларни қўллаш лозим. Бу эса корхоналарда асосий воситалардан самарали фойдаланишнинг барча жиҳатларини очиб беради.

III боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 3-бобида асосий воситалар амортизацияси аудитини такомиллаштириш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Аудитор асосий воситалар ҳисоби бўйича ички назорат тизимининг ишончлилигини ва текшириш ўтказишда унга таяниш мумкинлиги ҳақида асосли қарор қабул қилиш учун бу тизимни ўрганади. Назорат тизимининг ишончлилиги, унинг ҳисоб юритишда муайян шахслар қасддан қилиши мумкин бўлган, шунингдек тасодифий йўл қўйиладиган хатоларнинг олдини олиш ва аниқлаш лаёқатидан иборат.

Мижоз корхона раҳбариятининг назоратга муносабати назорат муҳитига энг катта таъсир кўрсатади. Бошқарувнинг юқори поғонаси хизматчиларнинг назоратга муносабатини белгилайди. Бошқарув муҳити юқори даражадаги ички коммуникация тизимини таъминлайдиган, Кузатув Кенгаши хузуридаги аудит фаолиятининг самарали ишлашига ёрдам берадиган, бюджетлар тизими яъни бизнес-режа ёки смета ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлардан фойдаланадиган, ички аудитнинг

самарадорлигини таъминлайдиган бошқарув тизими билан тавсифланади. Назорат муҳити корхона ходимларининг компетентлилиги, хизмат вазифаларининг тақсимланиши, активлар, ҳужжатларни олиш имкони ва ҳисоб ёзувларини вақти-вақти билан таққослаб туриш билан аниқланади. Назорат функцияларини амалга оширувчи ходимлар компетентлилиги корхона ички назорат тизимининг асосий белгиси ҳисобланади. Корхонанинг кадрлар билан боғлиқ муаммолари ички назорат тизимига салбий таъсир кўрсатади. Агар бухгалтерлар тез-тез алмаштириб турилса, бу ҳисоб ва назорат функциялари етарли тажрибага эга бўлмаган ва бунинг оқибатида кўплаб хатоларга йўл қўядиган мутахассислар томонидан бажарилишига олиб келади. Янги раҳбарлар ва мансабдор шахслар корхонадаги ҳисоб тизими билан етарли даражада таниш бўлмаслиги мумкин. Айрим ҳолларда бухгалтерия ходимлари юқори бошқарув бўғини томонидан топширилган ноқонуний ҳисоб амалларини бажаришни ҳоҳламаганликлари учун ҳам ишдан бўшаб кетадилар. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ходимларининг тез-тез алмаштирилиб туриши салбий ҳолат деб баҳоланади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари корхона хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида олинади. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва унинг ҳолатига баҳо беришга иқтисодий таҳлилда алоҳида аҳамият берилади. Корхона ишлаб чиқариш қуввати деганда унинг тўла иш билан бандлик ҳолатига айтилади. Бу ҳолат нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига, балки унинг харажатлари таркибига, молиявий натижавийлигига ҳам таъсир этувчи бирлик сифатида қаралади. Ишлаб чиқариш қувватлари ва унинг фойдаланиш даражаларига баҳо бериш асосида корхонанинг жорий даврдаги иқтисодий потенциали ҳамда унинг мақсадли бошқаруви белгиланади.

Хулоса

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ва уларни амортизацияси ҳисоби ҳамда аудити ҳозирги кунда сезиларли даражада такомиллашган. Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудит соҳасида амалга оширилган чуқур ислохотлар, уларнинг замонавий кўринишларининг амалиётга жорий этила бошлаши самараси уларок, республикамизда ҳали ҳам талайгина муаммолар борлиги эътибордан четда қолмайди. «Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМСнинг амалиётга тадбиқ этилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси янги таҳрирининг ишлаб чиқиши хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерлари олдида дастлабки йилларда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Мазкур мавзу юзасидан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларнинг қабул қилиниши эса асосий воситалар аудитининг янги услубиятини ишлаб чиқишини талаб этмоқда.

Шу билан биргаликда, аудит жараёнида асосий воситалардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичларига эътибор қаратилаётганлиги, шунингдек таҳлилда замонавий усулларнинг қўлланила бошланиши бу борадаги ишларни ҳам такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Мазкур илмий ишни ёзиш мобайнида асосий воситалар ва уларни амортизацияси аудити борасидаги мавжуд камчилик ва муаммолар аниқланди. Қуйида биз бу борадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари баён қилишга ҳаракат қиламиз.

1. Шунини ҳисобга олиш керакки, хўжалик юритувчи субъектлар асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда асосан тўғри чизиқли усулдан фойдаланиши ва бу ўз навбатида, асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг ушбу усули хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳисоб юритишда қулайлик туғдириши ҳисобга олинди. Бироқ, бу усулни қўллаш айрим тармоқлар учун деярли самарали эмас. Асосий воситалар, жумладан уларнинг актив қисми учун амортизация ҳисоблашнинг бошқа усули, яъни

бажарилган иш ҳажмига қараб амортизация ҳисоблаш усули қўлланилса, мақсадга мувофиқдир. Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш усули хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд асосий воситалардан самарали фойдаланишни ҳамда маҳсулот таннаرخини тўғри, оқилона аниқлашга имкон яратади.

Ўз навбатида, «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг тезлаштирилган усуллари қўлланиши Солиқ кодексида кўрсатилган меъёрлардан дастлабки йилларда кўпроқ ҳисобланган, яъни мусбат фарқ қисми солиқ базасига қўшилади, лекин охириги йилларда камроқ ҳисобланган амортизация суммаси, яъни манфий фарқ солиқ базасидан чегирилмайди. Бизнинг фикримизча, сўнгги йилларда камроқ ҳисобланган, яъни манфий фарқ солиқ базасидан чегирилса, солиқларнинг рағбатлантириш функцияси орқали хўжалик юритувчи субъект фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши ва бу янги техника-технология билан таъминланишига туртки бўлар эди.

2. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши муносабати билан республикамиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашаётган ҳозирги кунда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган тарзда, бозорларимизни халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, нисбатан арзон товар ва хизматлар билан таъминлаш жуда долзарб масала бўлиб турибди. Бунинг учун товар ва хизматлар қийматининг асосий қисмини ташкил этувчи таннаرخни пасайтириш зарурдир.

1997 йил 27 февралда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Солиқ қўмитасининг 09-сонли ва 97-16-сонли қўшма хатига асосан асосий воситаларнинг реал фойдалилик даврини мувофиқлаштириб асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда эскириш ҳисоблашнинг илғор усуллари қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ривожланган мамлакатлар

тажрибасидан шу аёнки, амортизация ҳисоблашнинг жадаллаштирилган усуллари кўллаш хўжалик юритувчи субъектда мавжуд асосий воситалардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Республикамизда асосий воситаларга жадаллаштирилган амортизация ҳисоблаш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан кичик корхоналарга жорий этилади. Бизнинг фикримизча, ушбу тартиб барча хусусий корхоналарга ҳам қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки кичик бизнес ва хусусий корхоналар асосий восита объектларидан фойдаланишнинг илк йилларида кўпроқ самарага эришишни хоҳлайди.

3. Республикамиз иктисодиётида амалга оширилган кенг қўламдаги ислохотлар асосий воситалар ҳисобида ҳам улкан ўзгаришлар бўлишига сабабчи бўлмоқда. Асосий воситалар ҳисобида энг катта ўзгариш, шубҳасиз асосий бойлик ҳисобланган ернинг асосий воситалар таркибига киритилишидир. Маълумки, ер табиат эҳсони ҳисобланади ва унга эскириш ҳисобланмайди.

Амалиётда ерни ҳисобга олиш бўйича бир қанча муаммолар мавжуд. Аввало, уларга бўлган мулкчилик ҳуқуқининг ўзгариши, бошқа активлар каби уларнинг қийматини харажатга ўтказиш керакми ёки йўқми каби саволлар шулар жумласидандир. Бизнинг фикримизча, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ерни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича махсус йўриқнома ишлаб чиқилиши лозим. Мазкур ишлаб чиқилиши лозим бўлган йўриқнома, бизнинг фикримизча, республикамизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларга ерни ҳисобда акс эттириш бўйича муаммоларини бартараф этилишида муҳим қадам бўлар эди деб қйлаймиз.

Асосий воситаларни мулк солиғига тортилиши юзасидан ҳам айрим таклиф мулоҳазаларни билдириш зарур. Негаки, бу борада ҳам қатор муаммолар мавжуд. Асосий воситаларни мулк солиғи объекти сифатида олинишида уларнинг самарадорлигига умуман аҳамият берилмаган. Шунинг

учун уларнинг даврий қайта баҳоланишлари ҳам битта объектни турлича даврда турли фарқланишларда солиққа тортилишига йўл қўйилмоқда. Биз бу борада асосий воситаларнинг рентабеллик кўрсаткичларига аҳамият бериш лозим, деб ўйлаймиз. Негаки, бу ҳолат харажатларга олиб бориладиган солиқларнинг фойдага таъсирини ҳам камайтирилишига имкон яратар эди.

Асосий воситаларнинг турлари бўйича солиқланишига ўрин берилса, унинг акс таъсирчанлик ва рағбатлантириш функциялари ошган бўлар эди, бу албатта ҳисоб ишларида ҳисоб-китобларни кўпайтирсада харажатларга олиб бориладиган солиқларнинг фойдага таъсирини камайтиради.

4. Асосий воситалар аудитида молиявий таҳлилнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги, асосий воситалар молиявий таҳлилининг асосий мақсади фойдаланувчилар учун ишончли ва объектив маълумотларни ошкор қилиши лозим эканлигини инобатга олган ҳолда, мулкдорлар, инвесторлар ўзлари корхона уставига киритган асосий воситаларининг ҳолати ва ҳаракати, уларнинг самарадорлиги ҳақидаги маълумотларга қизиқади.

Ушбу мақсадни инобатга олган ҳолда асосий воситалар таҳлилида асосий эътибор уларнинг рентабеллик даражасига қаратилиши лозим. Асосий воситалар рентабеллигининг ҳозирги кунда фақатгина битта тури амал қилади. Бизнинг фикримизча, асосий воситалар эскиришининг рентабеллигини ҳам амалда қўллаш лозим. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш лозим:

Соф фойда

АВ эскиришининг рентабеллиги=-----

АВ эскириш қиймати

Асосий воситалар эскиришининг рентабеллигини амалда қўллаш хўжалик юритувчи субъектларда бу турдаги активларни ўз вақтида янгисига алмаштириш хусусида маълумот мавжуд бўлишини таъминлайди.

5. Шунини таъкидлаш жоизки, асосий воситалар аудити аудитнинг энг муҳим объектларидан бири ҳисобланиб, аудитда ушбу объектнинг кўлами кенг ҳамда ушбу турдаги объектларга эскириш ҳисобланади ва ҳоказо. Умуман олганда, асосий воситалар аудитини ўтказишда асосий муаммо шундаки, ушбу турдаги объектларнинг бошланғич қийматини аниқлашда мавжуд ортиқча қийматларнинг кўплигидадир. Шу боисдан ҳам аудит ўтказилаётганида асосий воситалар қийматини адолатли баҳоланганлигини аниқлаш мақсадида доимо эксперт бўлиши лозим. Бизнинг фикримизча, асосий воситалар аудити ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотларида ушбу соҳани биладиган эксперт-аудитор иш ўрни мавжуд бўлиши керак. Агарда аудиторлик ташкилотларда ушбу таклиф қабул қилиниб, амалда қўлланилса, уларнинг аудит ишларини амалга оширишдаги вақти қисқариши, харажати камайиши ҳамда аудит иши сифати ошиши мумкин бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

I.1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни - Тошкент 1996 й. 30 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2000 йил 13 июнь.
5. Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни, 2000 йил, 77-II-сон
6. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2008 йил 26 сентябр.

I.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги ПҚ–615-сонли Қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлдаги “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–907-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори. 26.11.2010., ПҚ-1438-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-1529-сон Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ1731-сонли “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош махсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

I.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.-Т.: «Халқ сўзи», 2000 й, 26 сентябрь.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкани зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сонли Қарори;

I.4. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий ҳужжатлари.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тўлдирилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 140-сонли буйруғи.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 1998-2013 йиллар.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» 1998-2013 йиллар.
18. «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 2 апрелдаги 90-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2361).

II. Президент И.А. Каримов асарлари

19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
20. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. - Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.
21. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
22. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т. Ўзбекистон. 2011.
23. Каримов И. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2012.
24. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
25. Каримов И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2014. 64 бет.

III. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

26. Арабян К.К. Организация и проведение аудиторской проверки: учеб. пособие. – М.:Юнити-Дана, 2009. – 447 с
27. Белоцерковский В.И. Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебное пособие. - М.: "Экономика", 2005. - 294 стр.
28. Бочкарева И.И. Бухгалтерский учет. Учебное пособие. –М.: Проспект, 2006. 776 стр.
29. Булыга Р.П. Аудит: учебник для бакалавров. – М.:Юнити-Дана, 2009. – 431 с.
30. [Воронина Л. И.](#) Аудит. Теория и практика. Учебник для бакалавров – М.: [Омега-Л](#), 2011. 680 стр.
31. Грачева М.Е. Международные стандарты аудита (МСА): Учебное пособие. - М.: Издательство ПРИОР, 2005. - 100 стр.
32. Донцова Л.В. Анализ финансовой отчетности. Учебник. –М.: Дело и Сервис, 2005. 366 стр.
33. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612 б.
34. Емельянов А.М. Общий аудит. -М.: Финансы и статистика, 1997.
35. [Ерофеева В. А., Пискунов В. А., Битюкова Т. А.](#) Аудит – М.: [Юрайт](#), 2012. 640 стр
36. Жарыгласова Б.Т. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. - М.: НОРУС, 2005. - 400 стр.
37. Завалишина И. А. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Тошкент.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2004. – 439-б.
38. [Карагод В. С.](#) Аудит. Теория и практика. –М.: Юрайт, 2012. 672 стр.
39. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. –Т.: “Шарқ” НМАК, 2004. 592 б.
40. Мазуренко А.А. Зарубежный бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2005. - 240 стр.

41. Макальская М.Л. Бухгалтерский учет. Учебник. –М.: Высшее образование, 2005. 443 стр.
42. Подольский В. И., Савин А.А. Аудит –М.: Юрайт, 2012. 592 стр.
43. Подольский В.И., Савин А.А. Аудит: учебник. – 3-е изд. – М.: Юрайт, 2011. – 605 с.
44. Рогуленко Т.М. Аудит. –М.: Юрайт, 2012. 540 стр.
45. Сафонова М.Ф., Жминько С.И. Практический аудит. –М.: Феникс, 2012. 512 стр.
46. Савин А.А., Савин И.А., Савин Д.А. Аудит для магистров. Теория аудита. –М.: Инфра-М, 2012. 272 стр.
47. Суглобов А. Е., Жарылгасова Б. Т., Савин В.Ю., Бухгалтерский учет и аудит – М.: Титан эффект, 2012. 520 стр.
48. Суйц В.П, Ситникова В.А. Аудит: учебное пособие. - 2-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2010. – 168 с.
49. Ситнов А.А. Операционный аудит: теория и организация. Учебное пособие. –М.: Высшее образование, 2011. 240 с.
50. Савин А.А., Савин И.А., Савин Д.А. Аудит для магистров. Практический аудит. –М.: Инфра-М, 2012. 192 стр.
51. Соколов Я.В. Бухгалтерский учет в зарубежных странах. Учебник. –М.: Проспект, 2005. 664 стр.
52. Сотникова Л.В. Оценка состояния внутреннего аудита: Практическое пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - 144 стр.
53. Суйц В.П. Аудит: Общий, банковский, страховой. Учебник для вузов. - М.: ИНФРА-М, 2005. - 662 стр.
54. Харченко О.Н., Самусенко С.А., Фёрова И.С. Аудит: практикум. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Кнорус, 2010. – 288 с.
55. Хоханова И. И., Хахонова Н. Н., Богатая И. Н. Аудит – М.: Мини Тайп, 2011. 464 стр.

56. Черных М.Н., Юдина Г.А. Основы аудита: учебное пособие. – 4-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2011. – 352 с.
57. Юдина А.В. Основы аудита: учебное пособие. – М.:Кнорус, 2011. – 352 с.
58. Шешукова Т.Г. Аудит: теория и практика применения международных стандартов. Учебное пособие. - М.:»Финансы и статистика», 2005.
59. Курбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. Монография “Фан ва технология” нашриёти, -Т.: 2008. 102-б.
60. Ҳамдамов Б.Қ. Аудит иқтисоди. -Т.: ТМИ, 2005.

IV. Авторефератлар

61. Исроилов Б.И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ва методологик асослари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2006. – 40 б.
- 62.Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2009. – 34 б.
- 63.Тураев А.К. Ўзбекистонда ички аудитни такомиллаштириш йўналишлари: Иқт.фан.ном. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2012. – 22 б.
- 64.Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2006. – 36 б.
- 65.Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2007. – 33 б.

V. Хорижий илмий адабиётлар

66. Bernstein. Financial Statement Analysis: Theory, Application, and interpretation, fifth edition 2007, 325p.

67. Roger H. Hermanson James Don Edvards, Michel W. Maher. Accounting a Business Perspective. Sixth edition 2005. 369p.
68. Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short. Financial Accounting. Miami University Press, 2008. 524p.

VI. Интернет сайтлари

69. <http://www.audit.uz>.
70. <http://www.gov.uz>.
71. <http://www.lex.uz>.
72. <http://www.mf.uz>.
73. <http://www.uza.uz>.

VII. Илмий мақола ва конференция тезислари

74. Джуманов Д. Валюта сиёсатини либераллаштириш// Молия. – Тошкент, 2014. – №1. 45-49 бетлар.
75. Илхамов Ш. Ички назорат тизими – аудиторлик текшируви жараёнининг асосий элементи // Молия. – Тошкент, 2010. – №1. 90-92 бетлар.
76. Қўзиев И. Акциядорлик жамиятларида аудитни режалаштиришнинг сифатини ошириш// Молия. – Тошкент, 2010. – №2. 81-84 бетлар.
77. Каримов А.А. Учет и аудит в системе корпоративного управления // Экономика и финансы. – Москва, 2008. – №5. – С. 63-65.
78. Матрузиев А. Валюта муносабатларини тартибга солиш масалалари// Молия. – Тошкент, 2013. – №5. 61-64 бетлар.